O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **29** сентябрь, жума № **39** (2166).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **29** сентября, **2006** год, № **39** (2166).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена свободная

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ислом КАРИМОВ

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкентда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Молдова, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Украина ахборот маъмуриятидан вакиллар иштирок этди.

Ахборот хавфсизлиги бўйича комиссия раиси Сержиу Ситник таъкидлаганидек, жаҳонда ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланмоқда. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам кун сайин муҳим аҳамият касб этиб боряпти. Чунки, глобаллашув жараёни жадаллашаётган шароитда дунё ягона ахборот маконига айланиб, ахборотнинг ўзи инсониятнинг ниҳоятда муҳим ва чексиз ресурси бўлиб қолаётир.

Комиссия мажлисида ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборот маконида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича умумий давлат сиёсатини шакллантириш, бу борадаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ахборот коммуникациялари саноатини ривожлантириш муҳим экани қайд этилди.

Ҳозирги кунда "ахборот хавфсизлиги" тушунчасини нафақат ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар, балки давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, иқтисодчи, сиёсатчи ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳам кенг қўллай бошлади.

Мажлисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастури ва уни амалга ошириш борасидаги таклифлар, Ахборот соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликнинг иш тартибига оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасининг лойиҳаси, МДҲ мамлакатларида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг аҳволи ва бу борадаги мавжуд муаммолар кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари МДҲ мамлакатларида давлат ҳокимияти органларида электрон рақамли имзони жорий қилиш билан боғлиқ муаммоли масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Электрон ҳужжатни жўнатишда электрон рақамли имзо жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо МДҲ аъзоларида бунинг механизмлари турлича бўлиб, бири иккинчисига тўғри келмайди. Ахборот соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликка аъзо МДҲ мамлакатларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши шундай муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилган.

Комиссия мажлисида Мувофиқлаштирувчи кенгаш иштирокчиларининг халқаро тажриба ҳамда замонавий техника ва ахборот технологиялари асосида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

Сизга таъзим, сизга олқиш, устозлар!

Қарор ва ижро

ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 августда эълон қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди.

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ёшларни ҳарбий хизматга чақириш ва саралаш тадбирларини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр МАҲМУДОВ.

Чақирилувчилар билан ўтказилаётган суҳбатларда уларга ҳарбий хизмат турлари, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори каби тегишли ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда жойларда навбатдаги кузги чақирувга саралаш давом этмоқда. Уларда аввало, бўлғуси аскарларнинг соғлиги, интеллектуал салоҳияти, ижтимоий аҳволи, жисмоний ва руҳий тайёргарлигига алоҳида эътибор берилаяпти.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда Мудофаа вазирлиги марказий тиббий комиссия аъзолари шаҳар ва туманлар тиббий комиссия шифокорлари билан амалий машғулотлар ўтказди.

Шуни ҳам айтиш керак, кейинги йилларда вилоят ва туманларнинг мудофаа ишлар бошқарма ва бўлимлари биноларида етарлича шарт-шароит яратиш мақсадида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мисол учун, ўтган йили пойтахтимизнинг Сергели ва Собир Раҳимов туман мудофаа ишлари бўлимларида таъмирлаш ишлар амалга оширилган бўлса, бу йил Мирзо Улуғбек, Яккасарой ҳамда Тошкент шаҳар йиғин пункти капитал реконструкция қилинмоқда.

2005 йилнинг баҳорги мавсумида муддатли ҳарбий хизматни тамомлаган пойтахтлик йигитлардан 200 нафардан зиёди олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган Тавсиянома олган бўлса, жорий йилнинг баҳорида бундай имкониятга 300 нафардан кўпроқ йигит сазовор бўлди. Ҳозир уларнинг аксарияти олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Отабек Мухторов – улардан бири.

– Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаганим боис қўмондонлик томонидан бериладиган ана шундай Тавсияномага эга бўлдим, – дейди О.Мухторов. – Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ушбу имтиёздан фойдаланиб, Тошкент давлат педагогика университетининг талабаси бўлишдек бахтга эришдим. Бу – мамлакатимизда ёш авлоднинг порлоқ келажагини ўйлаб кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг ҳаётдаги яна бир ифодасидир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МАҚОМИ ЮКСАКДИР ПОСБОННИНГ

Бугун муддатли ҳарбий хизмат, чақирув хусусида гап кетганда, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида янграган қуйидаги фикрлари хаёлимга келади: «Қани айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?»

Тан олиб айтиш керакки, Президентимиз ўртага ташлаган бу долзарб масалани ҳаётнинг ўзи олдимизга кўндаланг қилиб қўйганди. Очиғи, ҳатто айрим ривожланган, иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларда ёшлар ўртасида армияда хизмат қилишдан бўйин товлашдек муаммо бор. Ҳатто армияси сафларини бошқа мамлакатлар фуқароларини ёллаш ҳисобига бутлашга уринаётган юртлар борлиги ҳам ҳақиқат. Бизга бундайин ёндашув тўғри келмаслигини Юртбошимиз кўрсатиб берди. «Биз замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, авваламбор миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу юртнинг суви ичиб, тузини татиган, шу заминда тарбия топган, вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз», деди жумладан.

(Давоми 8-бетда).

Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть

МОЛОДЕЖЬ – НАША НАДЕЖДА И НАШЕ БУДУЩЕЕ

Сегодня мы вновь обращаемся к речи Президента страны И.А.Каримова на торжественной церемонии, посвященной 15-летию нашей независимости, где он еще раз подчеркнул, что узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. «Подтверждение этого, – заявил он, – наше подрастающее поколение, достойно продолжающее традиции отцов и дедов, которое является надежной опорой народа и своим потенциалом, своими достижениями демонстрирует всему миру, что оно никому ни в чем не уступает».

Не будет преувеличением сказать, что воспитанию подрастающего поколения в нашей стране уделяется серьезное внимание с первых шагов независимости. В сложных условиях переходного периода, разрыва экономических связей наше молодое государство ставило одной из первостепенных задач реальную заботу о подрастающем поколении.

Выступая на XI сессии Верховного Совета Республики Узбекистан в декабре 1992 года, глава нашего государства говорил: **«Раз мы решили построить новую жизнь, нам надо менять свое мировоззрение».**

(Окончание на 8-й стр.).

Муштарийларимизга

ҚАЛБИНГИЗДА МЕҲР НУРИ, УСТОЗЛАР!

Халқимизнинг эзгу орзуси бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб, масъулиятли, олижаноб ишга борлиғини бағишлаган, ҳаётини бу эзгу ишга сарфлашга қарор қилган касб эгалари бор. Улар ўқитувчи ва мураббийлар, устозлардир.

Устоз деган сўзни шунчалар ҳурмат-эҳтиром, чексиз миннатдорлик туйғулари билан айтамизки, уни таърифлашга тил ожиз. Ўзининг бор меҳрини, қалб қўрини бизга беради, ҳаётимизга мазмун-маъно бағишлаш, бизга оқу қорани танитиш учун, илм-маърифат зиёсидан қалбларимизни нурафшон айлаш учун ҳаловатидан кечади, ул зотлар. Президентимизнинг шундай гаплари бор: **«Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз».**

Бугун маърифий дунё англаб етаётган бир ҳақиқат бор. Маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш йўли билангина тараққиётга юз тутиш мумкин. Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз ҳам дунё тан олган давлатлар қаторига чиқиш, эзгу ва орзу мақсадларига етиш, кимлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англаш, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, кам бўлмаслигимиз учун илм-маърифатга таянди. Демакки, биз маърифий йўл билан, билимимизни, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш билан дунёга ўз сўзимизни айтамиз. Аниқроғи, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшларимиз – истиқлол фарзандлари бугун дунёга аллақачон ўз сўзларини айтиб келишмоқда.

Табиийки, баркамол авлодни вояга етказишдек устувор вазифа замирида ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш каби масалалар бор. Мамлакатимизда бу борада улкан ишлар амалга оширилаяпти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури сингари муҳим ҳужжатлар бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларимиздан далолат.

Ҳарбий ўқув муассасаларимизда ёшларимизга соҳа илмидан пухта сабоқлар бериш билан бирга улар онгига миллий истиқлол ғояларини, ватанпарварлик туйғуларини сингдираётган, демакки, армиямизнинг миллий кадрлар ҳисобига шаклланишига беқиёс улуш қўшаётган ўқитувчиларнинг масъулиятли хизматларини ҳақиқий жасоратга қиёслаш мумкин.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг бугуни ва эртасини ҳар томонлама комил, соғлом, фидойи, ватанпарвар ёшлар белгилайди. Шунинг учун ҳам эртамизнинг муносиб давомчиларини тарбиялаётган устоз ва мураббийларга бошимиз ерга теккунча таъзим қилсак-да оз. Юзингиздан, қалбингиздан доимо меҳр нури ёғаверсин, азиз устозлар!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ – ИЛМ-МАЪРИФАТДА

Миллий истиқлол ғояси чуқур фалсафий асосларга эга. Жумладан, унинг негизида комил инсон ҳақида фалсафий мушоҳадалар, маърифатпарварлик ғоялари ётишини яхши биламиз. Ўзи азалдан Шарқ, Марказий Осиё ўзининг маърифатпарварлиги билан, фалсафа дурдоналари билан дунёга машҳур бўлиб келган. Дунёвий тараққиётни илм-фанда, маърифатда деб билган. Ҳатто шўролар инқилоб арафасида бизни, миллатимизни деярли саводсизга чиқарган. Маълумот учун биргина мисол келтиришнинг ўзи кифоя, менимча. Масалан, ўн тўққизинчи асрнинг охирида Хива хонлигининг ўзида 132 та мадраса, 2 мингдан ортиқ мактаблар бўлиб, уларда 60 мингдан зиёд ўқувчи таълим олган экан. Ўлкамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам табиийки, таълим-тарбияга ана шундайин эътибор қаратилган.

Мактаблар, таълим масканларимизни замон талаблари асосида ислоҳ этиш заруратини жадидларимиз ўз вақтида англашиб, фидойилик кўрсатишди. Бунинг сабаби кундай равшан. Ҳаёт ва мамот масаласи бўлган таълим миллий тараққиётни белгилашда беҳад аҳамиятли.

(Давоми 8-бетда).

2 БДИТЕЛЬНОСТЬ – НАШЕ ОРУЖИЕ
ОТЛИЧИЛИСЬ НА БОЕВОМ ДЕЖУРСТВЕ

3 ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК
МАҚСАД ВА МАНФААТЛАРИМИЗ – МУШТАРАК


10 1 ОКТЯБРЯ – ДЕНЬ УЧИТЕЛЕЙ И НАСТАВНИКОВ
ВОЕННАЯ КАРЬЕРА ШКОЛЬНОГО ПСИХОЛОГА

12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
УСТОЗЛАРИМ – УЛУҒЛАРИМ МЕНИНГ

Кузги чақирув – 2006

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорининг ижро этилишига бағишлаб семинар ўтказилди.

Олий Мажлис сенати аъзолари, шунингдек, Мудофаа, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта-махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти масъул ходимлари, мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари бошлиқлари, тумандаги ўзини-ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу семинар давра суҳбати шаклида ташкил этилди.

Республика Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Т.Комилов анжуманни очгач, ўз нутқида йиғилганлар эътиборини аввало мамлакатимиз Президенти қарори ва чақирув масалаларига қаратди, миллий армиямиз ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари, Конституция, «Мудофаа тўғрисида»ги ва ҳарбий соҳа бўйича қабул қилинган бошқа қонунлар тўғрисида атрофлича тўхталди.

– Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов айтганларидек, – деди жумладан нотиқ, – **ҳарбий ислоҳотлар ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу – жангчиларимизда Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.**

Ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишмоғи керак.

Собир Раҳимов тумани ҳокими, сенатор Б.Ҳакимов ёшларни чақириққача тайёрлаш, уларни ҳарбий хизматга кузатиш ва кутиб олиш, ишга жойлаштириш борасида мудофаа ва ички ишлар бўлимлари, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда олиб борилаётган, шунингдек, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлар, келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берди, ёшлар маънавиятини янада юксалтириш бўйича туманда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан ўртоқлашди.

«Ватан ҳимоячиларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ушбу ғамхўрликлар аскарлар тарбиясида, уларнинг ҳарбий хизматга интилиши, ҳарб илмини пухта эгаллашлари, миллий армиямизни сифатли кадрлар билан тўлдиришда, шунингдек, армиямизнинг ёшлар учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб вояга етишида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда», – деди сенатор Б.Ҳакимов.

Чақируволди ўтказилган бу анжуман сермазмун ва ҳаммага манзур бўлди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ТОҒЛИКЛАР АЛПҚОМАТ БЎЛИШАДИ

Тошкент вилояти, Паркент тумани мудофаа ишлари бўлимида кузги чақирувга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Тиббий кўрикдан ўтаётган йигитларнинг аксарияти алпкелбат, тетик, шиддати кўзларида чақнаб турибди. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга шай турган бу азаматларнинг жисмонан бақувват эканликларини илғадик. Аммо йигитларнинг нафақат жисмоний соғломлиги, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юқори бўлиши лозим. Буни тиббий кўрикдан ташқари ўтказиладиган тест синовлари ва суҳбатлар аниқлаб беради.

– Кузги чақирувга тайёргарликни август ойидан бошлаганмиз, – дейди мудофаа ишлари бўлими бошлиғи майор Дониёр Чинпўлатов. – Режа асосида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ҳар бир фуқаролар йиғинидан масъул вакиллар тайинланган. Ота-оналар, участка нозирлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга шайланаётган ёшларнинг умумий аҳволи батафсил кўриб чиқилмоқда. Йигитларимизнинг билим даражасини тестлар натижаси белгилайди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларга тўғри кўрсатмалар беришда бизга маҳалла фаоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бугун миллий армиямиз шаънини ҳар томонлама баркамол, жисмонан ва ақлан етук ёшлар кўтаради. Чақирилувчилар давр талабига мос келиши керак. Бу талаб замирида эса кучли салоҳиятлилик, сезгирлик ва абжирлик ётади.

– Мени йигитларимизнинг шижоати хурсанд қилади, – дейди Чанги қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Зарифа Холматова. – Улар миллий армиямизда хизмат қилишни ўзлари учун шараф деб билишади. Биз, ота-оналар эса фарзандларимизга яратилаётган кенг имкониятлар ва шарт-шароитлардан беҳад мамнунмиз. Ўғлонларини ҳарбий хизматга кузатиш арафасидаги ота-оналарнинг кўзларида хавотирни кўрмайсиз, аксинча фарзандини аскар либосида кўришни орзу қилаётганлар кўп.

Паркент тумани мудофаа ишлари бўлимида айни пайтда қурилиш ишлари ҳам авжида. Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобига чақирув пункти замон талаблари даражасида қайта таъмирланиб, кенгайтирилмоқда. Чақирилувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари учун махсус, замонавий талаблар даражасида жиҳозланган хоналар ажратилган. Уй-жойдан фойдаланиш бўлими ишчи-хизматчилари томонидан олиб борилаётган жадал ишлар 1 октябргача ўз ниҳоясига етказилади.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

Бдительность – наше оружие

ОТЛИЧИЛИСЬ НА БОЕВОМ ДЕЖУРСТВЕ

Для воинских подразделений, находящихся на боевом дежурстве по охране и обороне важных объектов, бдительность и боевая настороженность являются одними из главных требований успешного несения службы. Поступок капитана Музаффара Матъякубова и его товарищей должен стать достойным примером для всего личного состава наших Вооруженных Сил, ведь в результате их решительности предотвращены незаконные действия.

Водители и пассажиры проезжающих автотранспортных средств непременно обращают внимание на установленные по обочине яркие знаки с предупреждением о запрете на проведение фото- и видеосъемок. Однако отдельные не совсем сознательные наши сограждане порой идут на нарушения данной установки. Что ими движет, простое любопытство или нечто большее, это выяснят компетентные лица. Хотелось бы напомнить, что каждый раз эти запретные действия имеют одни и те же последствия: задержание и изъятие фотоаппарата или камеры.

Так было и в день, когда боевое дежурство несли офицер М.Матъякубов и младшие сержанты Фарход Шарифхужаев с Бахромом Шометовым. Остановившись неподалеку от моста, группа пассажиров предприняла попытку фотографирования охраняемого объекта. Благодаря четким и решительным действиям военнослужащих, верных присяге и воинскому долгу, эти запретные действия были своевременно пресечены.

Прибытие в подразделение первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майора В.Махмудова навсегда запомнится отличившимся воинам и их сослуживцам. Перед строем всего личного состава названным военнослужащим были вручены ценные подарки – видеомагнитофоны. Эта высокая оценка их ратного труда вдохновила воинов на новые успехи в служебно-боевой деятельности. А накануне 15-й годовщины независимости нашей Родины капитан М.Матъякубов оказался в составе группы отличников боевой учебы, удостоенных приема у министра обороны. Памятный знак главы военного ведомства, полученный офицером, стал еще одним наглядным подтверждением того, что отличный ратный труд всегда оценивается по заслугам.

Уроженец Питнякского района Хорезмской области капитан Музаффар Матъякубов четыре года назад окончил Ташкентское высшее общевойсковое командное училище, является командиром взвода, претендующего на звание лучшего.

Передовой офицер особенно внимателен, когда проводит инструктаж очередной группы, заступающей на боевое дежурство. Казалось бы, что здесь такого – изо дня в день повторяющийся ритуал. Однако капитан всегда предельно строг в работе с сослуживцами, также имеющими солидный опыт несения службы.

С командиром пулеметной секции младшим сержантом Фарходом Шарифхужаевым повстречались на посту. Несение им службы не раз вполне заслуженно отмечалось командованием. Парень из Ферганы напомнил сказочного богатыря Фархода. Увлекаясь национальной борьбой кураш, воин в свободное время любит подкачать мускулы. Благо, спортивный инвентарь в расположении имеется. По его словам, любовь к спорту прививал себе еще с детства, а окончательно закрепил во время учебы в школе подготовки сержантов.

В подразделении старшего лейтенанта Диёра Сарикова недавно произошло событие местного масштаба – младшего сержанта Батыра Мадрахимова сослуживцы поздравили с днем рождения. Пожал руку виновнику торжества и представитель командования, пожелав ему успехов в боевой учебе и в личной жизни. За этот скромный праздник с непременным пловом военный профессионал мысленно благодарил судьбу. Хотя и находился он вдали от родных, забота и участие армейской семьи согревали душу теплом. Именно такие маленькие торжества, проявленное внимание и укрепляют воинские коллективы, сплачивают на успешное решение учебно-боевых задач.

Майор
Баходир УТАНОВ.
Фото
Тимур КАРИМОВА.

МУҲИМ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида куни кеча назорат органлари ва республикамиздаги қуролли тузилмалар мутасадди офицерлари, олий ҳарбий билим юртлари бошлиқлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари иштирокида навбатдаги мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирни Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори адлия полковниги Ш.Узоқов олиб борди.

Кенгашда «Олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучлар офицерлар таркибини тайёрлашни ташкиллаштириш чора-тадбирлари» масаласи кун тартибига қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим муассасаларини малакали ва тажрибали офицер кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия тизими, ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, устоз офицерларга қўйиладиган талабларни кучайтирган ҳолда уларнинг ижтимоий муҳофазасини, моддий таъминотини ошириш каби долзарб масалалар атрофида қизғин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш сўнгида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

АСКАРЛИК ШАРАФИ

Ҳарбий. Уни узоқдан таниймиз. Қадамлари шахдам. Гап-сўзлари дадил ва аниқ. Нигоҳлари ўткир, маъноли. Эгнидаги либоси эса, ўзгача салобат ва кўрк бағишлайди унга. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишдек юксак масъулиятни теран ҳис этган ҳолда ўзига билдирилаётган ишончни оқлашга бор куч ва билимини сафарбар қилувчи посбон айтиш мумкинки, бугунги кунда бунинг уддасидан чиқмоқда. Аслида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳам аввало, айнан миллий армиямиз нуфузини ошириш, қолаверса, Ватан ҳимоячиларининг хизмат ва яшаш шароитларини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Бу борада қилинган кўплаб ишлар қаторида муддатли ҳарбий хизматчилар учун берилаётган имтиёзлар, яратилган шарт-шароитлар, қулайликларни олиб қарайлик.

Юрт посбонлари кундалик овқат рационининг озуқавийлик қиймати янада оширилган. Турли витамин ва минералларга бой таомлар, шифобахш шарбатлар уларнинг дастурхонидан жой олган. Яъни, кун давомида организмда сарф бўлувчи қувват ўрнини қопловчи килокалориялар ўз вақтида таъмин этилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларга берилувчи нафақа пули энг кам иш ҳақининг ўн олти бараварига тенглаштирилган. Қуролли Кучларимиз резервига бўшатилган йигитларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборда.

Намунали муддатли ҳарбий хизматчиларга берилувчи Тавсияномаларга эса, тўхталиб ўтишнинг ҳам ҳожати йўқ. Чунки кўпчилик унинг имтиёз тарзида юртимиздаги истаган олий ўқув юртига ўқишга киришда тўпланиши мумкин бўлган умумий баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча баллга эгалик қилиш ҳуқуқини беришидан хабардор.

Жорий йилнинг баҳоридан бошлаб эса, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар хизматдан уйларига янги кундалик-парад либосларида қайтмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кийим-кечак таъминоти бошқармаси, тажриба-конструкторлик бюроси ва киллари ва саноат корхоналаридан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар дизайн нуқтаи назаридан замонавий, ихчам, қулай ва сифатлидир.

Янги кундалик-парад либосига куртка, берет, кўйлак ва шим киради. Ҳадемай армиядан қайтувчи, яъни кузда Қуролли Кучлар резервига бўшатилувчиларга, шунингдек, қишки куртка ва бош кийими ҳам берилади. Бундай либосли мард ўғлонни кўрган ҳар қандай инсон унинг ўз йигитлик бурчини ўтаб, уйига, оила аъзолари олдига кетаёганини сўзсиз англайди. Ўспиринлар, гўзал қизлар унга орзу-ҳавас билан нигоҳ ташлайдилар. Ота-оналарнинг қалбидаги ғурурнинг эса, чеки-чегараси бўлмайди.

Ушбу либос ўз соҳибига бир умрга Қуролли Кучларимиз сафларида ўтказган, таассуротларга бой ва унутилмас дамларни ёдга солувчи эсдалик бўлиб қолади. Эсдаликки, ҳаётий тажрибани бойитган, билим ва кўникмалар ҳосил қилинган, дунёқарашни кенгайтирган, энг асосийси, Ватанни қандай севишни, ардоқлашни, фидойиликни ўргатган аскарлик йилларини кўз олдида жонлантиради.

Катта лейтенант Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ.

Суратлар таҳририят архивидан олинди.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК



На территории Краснодарского края РФ с 20 по 23 сентября успешно проведено совместное антитеррористическое учение военнослужащих Узбекистана и Российской Федерации.

В учении была задействована самая современная техника и вооружение – артиллерийская батарея системы «Нона», боевые вертолеты Ми-8 и Ми-24, бронированные специальные автомобили «Гусар».

Учение показало высокий уровень совместимости наших вооруженных сил, достаточную степень слаженности взаимодействия, продемонстрировало способность наших государств эффективно и адекватно реагировать на любые угрозы и вызовы современности.

МАҚСАД ВА МАНФААТЛАРИМИЗ – МУШТАРАК

Кейинги пайтда дунё аҳли, башарият бир офат ҳақида тез-тез бонг урадиган бўлди. У бизнинг тинчлигимизни, ҳаловатимизни ўғирлаган. У инсониятнинг кўнгил хотиржамлигию, осойишталигини ўғирлаган. Гап нима ҳақида эканлигини яхши англаган бўлсангиз керак. Ҳа, ҳа, бу халқаро терроризм вабоси, балоси, офати. Бу офат ҳали дунёнинг у нуқтасига, ҳали бу нуқтасига жароҳат етказмоқда.

Мамлакатимиз халқаро терроризмга қарши изчил курашиб келмоқда. Айниқса, она юрт ҳимоячилари бу борада муайян тажриба, малака, кўникмаларга эга. Бу тажрибалар йил сайин бойитилиб, ривожлантирилиб борилаётганини яхши биламиз. Бунинг замирида халқаро ҳарбий ҳамкорликларимиз ётишини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Айниқса, кейинги пайтларда Россия Қуролли Кучлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда машқлар ўтказаётганимиз ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўляпти.

Маълумки, Ўзбекистон Россия билан стратегик ҳамкор. Яхши биламизки, 2003 йилда икки мамлакат раҳбарлари Самарқандда учрашиб, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида музокаралар олиб боришганди. 2004 йилнинг апрелида Президентимизнинг амалий ташриф билан Россияга бориши ҳамкорликларимиз кўламини янада кенгайтирди. Мазкур ташриф давомида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласига, терроризм, наркобизнес каби халқаро, минтақавий муаммоларга эътибор қаратилди.

Бир йил муқаддам, аниқроғи 2005 йилнинг 19–25 сентябрь кунлари Ўзбекистон заминида юртимиз қуролли ҳимоячилари ва россиялик ҳарбийлар иштирокида аксилтеррор машқлар ўтказилганди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар, қўмондонлар юксак савияда ўтказилган ҳамкорликдаги бу машқни стратегик ҳамкорлигимизнинг ёрқин бир намойиши эканлигини эътироф этишди. Ўзбекистон учун бундайин машқлар икки томонлама ҳарбий ҳамкорликларни шакллантириш йўлидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмга қарши ҳамкорликдаги курашни фаоллаштиришда принципиал аҳамиятга эга бўлди, дея баралла айтишимиз мумкин. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда доимо фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келаётганини, аср офати бўлган халқаро терроризмга қарши курашда қатъий ва изчил позицияда турганини кўрсатди.

Машқлар давомида Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов мамлакатимизга ташриф буюриб, мартабали меҳмонни Президентимиз қабул қилганди. Ўзаро суҳбат давомида ҳам икки мамлакат ҳарбийларининг мазкур аксилтеррор машқи давлатларимизнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги мақсад ва манфаатлари муштарак эканлигидан далолат бериши таъкидланди. «Ўзбекистонга ташрифингиз нафақат ушбу машқлар билан боғлиқ, балки ривожланиб бораётган алоқаларимизнинг яна бир белгиси ҳамдир. Аслида ҳамкорлик муносабатлари мана шундай тадбирлар билан тараққий этиб боради», деган эди ўзаро суҳбат давомида давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳамкорликларимиз янгича суръатда давом этмоқда. Буни жорий йилнинг 20–23 сентябрь кунлари Краснодар ўлкасида ўзбекистонлик ва россиялик ҳарбийлар ҳамкорлигида ўтказилган «Жанговар биродарлик – 2006» аксилтеррор машқлари ҳам исботлаб турибди.

Аввало ушбу машқлардан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбий бўлинмаларининг аксилтеррор ҳаракатларини режалаштирувчи бошқарув органлари ишининг ягона алгоритмини ишлаб чиқиш, операциялар ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларни ташкил этиш тартибини такомиллаштириш, аксилтеррор операцияларини уюштириш ва ўтказиш борасида тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашиш.

Машқларнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Қуролли Кучлари бўлинмаларининг шартли равишдаги террорчи гуруҳларни йўқ қилиш борасидаги махсус операцияси режалаштирилди. Шунингдек, мазкур босқичда ҳар иккала мамлакат бўлинмалари шахсий таркиби жанговар вазифани бажаришга тайёрланди.

Иккинчи босқичда икки мамлакат ҳарбийлари ўзаро ҳамкорликда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, босқинчи тўдаларни топиш, қуршаб олиш ва йўқ қилиш билан боғлиқ жанговар вазифаларни бажаришди.

Машқлар жараёнида Сочида Россия Президенти В.Путин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р. Мирзаевни қабул қилди. Қабул чоғида у Ўзбекистон билан бўладиган ҳарбий ҳамкорликларга Россия улкан аҳамият қаратишини ва бу йўналишда келишилган режалар бўйича изчил алоқалар давом этишини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг икки томонлама ҳарбий ҳамкорликларга улкан эътибор қаратаётганини эътироф этиб, бугун ҳар иккала мамлакат ҳам дунёнинг бошқа давлатлари каби терроризм офатига тўқнаш келаётганини айтди. Россия президенти Ўзбекистон президентининг ҳар иккала мамлакат ҳарбийларининг бугун терроризмга қарши йўналтирилган ҳамкорликларини қўллаб қувватлашига ишонч билдирди.

Ҳа, айнан шундай ҳамкорликлардаги машқлар ҳар томонлама шаклланишимиз, илғор тажрибаларни ўрганишимизда, ўртоқлашишимизда муҳим аҳамиятга эга. Жанговар тайёргарликда, маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини, кам бўлмасликларини намойиш этишди, ҳарбийларимиз, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда ўтказилган мазкур аксилтеррор машқлар Ўзбекистон–Россия муносабатларининг янгича бир сифат касб этаётганини, янгича бир босқичга кўтарилиб бораётганини кўрсатди.

ЎН МИНГ МЕТР БАЛАНДЛИКДАГИ ТАНТАНА

Ҳарб илмини пухта ўзлаштириш, билимларни мустаҳкамлаш ҳамда олинган сабоқларни синовдан ўтказишда турли ўқув машғулотлари, айниқса, халқаро миқёсдаги тажриба алмашишлар муҳим аҳамиятга эга. Фахр ва ишонч ила айтиш мумкинки, халқаро ўқув машғулотларида бор маҳорат ва тажрибасини, нимага қодир эканлигини намойиш этган ҳарбий хизматчиларимиз россиялик ҳамкасблари, соҳа мутахассисларида катта таассурот қолдириб, миллий армиямиз салоҳияти, куч-қудрати, нуфузини намойиш қилдилар...

Ўз уйига, жонажон Ватанига самолётда қайтаётган чоғида ўқув машғулотлари иштирокчиларидан бири бўлмиш шартнома бўйича ҳарбий хизматчи Хуршид Дадажонов сафдош дўстларига назар ташлар экан, ич-ичидан улар билан, миллий армияси ва жанговар тайёргарлик бобида машғулотларда қайд этилган натижалари билан яна бир бор ғурурланди. Ҳар бир машғулот, кўрган ва гувоҳи бўлган нарсалар, мураккаб бўлишига қарамай бехато бажарилган топшириқлар кўз ўнгида гавдаланаётган бир пайтда: «Сени чақиртиришяпти», деган хабар хаёлини бўлди. Йигитнинг таъкидлашича, бир умрга хотирада муҳрланиб қолувчи воқеа содир бўлишини тасаввур ҳам қилмаган экан.

– Туғилган куним муносабати билан шахсан Мудофаа вазиридан табрик сўзларини эшитиш, эсдалик совғалар олиш мен учун чин маънода кутилмаган ҳодиса бўлди, – дейди пулемётчи кичик сержант Дадажонов. – Шу пайтга қадар ушбу санани турли давра ва шароитларда нишонлаганман. Бироқ парвоздаги – ердан ўн минг метр баландликдаги бундай тантана улар орасида энг бетакрори ва бир умрга эсда қоладигани бўлишига шубҳам йўқ. Албатта, кўрсатилган эътибор, ҳарбийча ва дўстона муносабат, билдирилган табриклардан жуда таъсирландим.

Дарвоқе, сафдошларининг эътироф этишича, пулемётчи посбон компьютер тренажёрларда ўтказилган машғулотларда энг юқори натижани қайд этиб, россиялик ҳарбийларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Демак, ўз мутахассислиги сир-асрорларини жуда яхши ўзлаштиргани, билим ва тажрибаси етарли эканлиги учун юқори кўрсаткичларни қўлга киритди. Ўқ отиш, махсус тўсиқлардан ўтиш, тоғ тайёргарлиги машғулотларида ҳам бехато ва аниқ ҳаракатлари билан умумжамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшди.

Названы лучшими

ЧЕСТЬ БЫТЬ ЗНАМЕНОСЦЕМ

Старшему лейтенанту Фарходу Рахмонкулову на торжественном параде в честь открытия учения была оказана высокая честь быть знаменосцем. В его крепких руках на древке гордо развевался на кубанском ветру Государственный флаг Республики Узбекистан. По словам офицера, этот заряд положительных эмоций очень помог ему в ходе учения показать отличные результаты.

Два года назад, окончив Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище, лейтенант Фарход Рахмонкулов приступил к самостоятельной офицерской службе. На совместном учении военнослужащих России и Узбекистана на долю подразделения под командованием старшего лейтенанта Ф.Рахмонкулова выпала нелегкая задача по «штурму» здания, которое было захвачено условными террористами.

Умело использовав приставные лестницы и другое специальное снаряжение, воины в считанные минуты буквально взмыли на верхние этажи здания, своими слаженными действиями подавив волю «противника» к оказанию сопротивления. Меткие автоматные и пулеметные очереди, броски ручных гранат довершили дело разгрома и уничтожения «террористов».

При разборе этого эпизода учения руководитель на учебном месте от российской стороны очень высоко оценил боевую выучку узбекистанских товарищей по оружию, четкое взаимодействие с российскими десантниками.

АЪЛО ДАРАЖАДА УДДАЛАДИ

Ўзбекистон–Россия ҳамкорлигидаги аксилтеррор ўқув машғулотларида жанговар шайлик ва юқори савиядаги тайёргарлик бобида намуна бўлган Ватанимиз ҳимоячилари Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов томонидан кўкрак нишони билан тақдирландилар. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Асрор Раҳимов шулар жумласидандир.

Катта лейтенант Алишер Убайдуллаев командирлигидаги гуруҳда алоқачи вазифасида хизмат қилаётган посбон махсус объектлардан бирини эгаллаган шартли душман – террорчиларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда муносиб қатнашди.

Маълумки, замонавий жангда узлуксиз ва сифатли алоқа ҳарбий ҳаракатлар муваффақиятини белгиловчи муҳим омиллардан саналади. Буни яхши тушунган оддий аскар Раҳимов ўз вазифасини аъло даражада адо этди. Демак, қўйилган жанговар топшириқ бехатова кўнгилдагидек бажарилди. Бу эса, «душман»нинг жирканч нияти амалга ошмаганлигини, аҳоли тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланганини англатади.

– Бу соҳадаги тажриба алмашинув биз учун ҳам, россиялик ҳамкасбларимиз учун ҳам фойдали бўлди, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи. – Айтиш мумкинки, бизнинг алоқа воситаларимиз сифат ва техник кўрсаткичларига кўра етакчи давлат армияларининкидан қолишмаслигига яна бир карра амин бўлдим.

МЕДАЛЬ ОТ МИНИСТРА

Ранее уже сообщалось, что на учении были отмечены отличные действия наших военнослужащих в ходе показательных занятий по горной подготовке. Так вот, среди тех, кто удостоился похвалы коллег из Краснознаменного Северо-Кавказского военного округа РФ, был и капитан Максим Шаповалов. По итогам учения нашему офицеру была вручена медаль «За боевое содружество» заместителем Премьер-министра – министром обороны России Сергеем Ивановым.

Бывалые бойцы российского спецназа собирались преподать свой «мастер-класс» товарищам из Узбекистана. Однако так получилось, что на занятиях по горной подготовке нередко им самим приходилось брать такие уроки у капитана Максима Шаповалова и его подчиненных. Вообще россияне были приятно удивлены очень высоким уровнем боевой выучки бойцов нашего подразделения.

А на завершающей стадии учения подразделение офицера М.Шаповалова показало порядок проведения зачистки территории после проведения операции по уничтожению «террористов». По совокупности положительных впечатлений от умелого командования подчиненными и высокой личной выучки наш офицер удостоился высокой награды армии дружественного государства.

Как считает сам капитан Шаповалов, это учение стало важным этапом на пути совершенствования профессиональной подготовки подразделения.

Российские СМИ об учении

ВАЖНАЯ ЧАСТЬ ИНФОРМАЦИОННОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ

Совместное учение военнослужащих Узбекистана и России широко освещалось в российских СМИ. По отзывам воинов-узбекистанцев – участников совместной учебно-боевой работы, теплота гостеприимства чувствовалась и в материалах местных газет, радио и телевидения. Это стало важной частью создания нового уровня информационного взаимодействия наших стран.

– По утрам прослушивали передачи краснодарского радио, которое с большим интересом рассказало жителям края о приезде представителей Узбекистана на совместное учение, – рассказывает офицер Улугбек Рузимов. – Одним словом, «Братство по оружию-2006» привлекло большое внимание местных СМИ, дававших много самой разной информации.

Задавала тон освещению газета «Красная звезда». Еженедельник Краснознаменного Северо-Кавказского военного округа «Военный вестник Юга России» посвятил учениям несколько материалов. Фоторепортаж старшего лейтенанта П.Заволокина «**Террору ответим сообща**» ведет яркий рассказ об учении. В отчете о первых днях учения «**По законам дружбы**» подполковника С.Белогруда и старшего лейтенанта П.Заволокина есть такие строки: «Без Узбекистана и его Вооруженных Сил невозможно построить коллективную безопасность в Центральноазиатском регионе. Узбекистан является одним из основных стратегических партнеров России. Российско-узбекские отношения остаются важным фактором стабильности и безопасности в регионе».

Одна из полос номера целиком посвящена ходу учения «Братство по оружию-2006». А открывает ее репортаж «**Узбекский спецназ прилетел**», автор которого так оценивает наших военнослужащих: «Видно, что это – элита, профессионалы спецопераций и контртеррористических действий». В познавательном плане очень интересен и материал «**Гусары» идут на перехват**», где рассказывается о новом специальном автомобиле на базе УАЗ-3153, бронированном и вооруженном крупнокалиберным пулеметом «Корд» и АГС-17 «Пламя».

«**Боевое братство» Москвы и Ташкента**» так называется материал Олега Горупая, Александра Хроленко и Владимира Евдомашкина, опубликованный в газете «Красная звезда». В частности, в нем есть и такие оценки авторов: «Присоединение Ташкента к Организации Договора о коллективной безопасности позволяет говорить о том, что наши страны вышли на качественно новый, глобальный международный уровень по отражению совместных угроз. Как отметил Сергей Иванов, **между нашими вооруженными силами сложилось очень хорошее и реальное информационное взаимодействие** по тем проблемным регионам и точкам, которые в одинаковой степени беспокоят и Узбекистан, и Российскую Федерацию. Причем, подчеркнул министр обороны, это информационное взаимодействие носит не общий дипломатический характер, а сугубо конкретный, приносящий реальные, практические результаты».

Обширное освещение данного учения в СМИ Узбекистана и России является одним из конкретных проявлений того самого хорошего информационного взаимодействия, о котором вел речь глава российского военного ведомства. Создание атмосферы благожелательности и понимание важности происшедшего события стали прочным фундаментом, на котором будут и дальше строиться партнерские отношения наших стран, совместными усилиями борющихся против терроризма.

Саҳифани майорлар Алижон САФАРОВ ва Аблай КАМОЛОВ, катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ ва капитан Алишер БОБОХОНОВ, Тимур КАРИМОВ (сурат)лар тайёрлашди.

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ – БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ИСЛОМ ДИНИ ВА УНДАГИ БЎЛИНИШЛАР



Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек, дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсонларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Афсуски, истибдод йилларида дин деярли ўрганилмади ёки бир ёқлама ўрганилди, коммунистик мафкура ва атеизм нуқтаи назаридан нохолис талқин этилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг умуман дин, хусусан, ислом динини асл манбалар асосида илмий ўрганиш, кенг ёритиб бериш учун имконият яратилди.

Ҳар бир дин, жумладан, ислом ҳам махсус диний фалсафа ва назарияларга таяниб, ўзини энг асл ва ҳаққоний деб ҳисоблайди.

Диннинг умумий тарихини фақат уни яхлит, муайян қонун-қоидаларга бўйсунган, ҳар хил зиддият ва қарама-қаршиликлар жараёни билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий тузум билан белгиланувчи ижтимоий онг деб қараган ҳолда ўрганиш ўринли. Бу – ҳар бир диннинг келиб чиқиши, тараққиёти, уни пайдо қилган тарихий шароит ва у яшаётган жамиятни ўрганиш ҳам демакдир.

Динлар ичида энг ёши бўлишига қарамай, жаҳонда кенг тарқалган буддавийлик ва христианлик динлари қаторидаги ислом арабча – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш маъносини билдиради.

Ислом динига эътиқод қилувчилар арабча «муслим», «исломни қабул қилган», «итоатли», «садоқатли»), кўплиги «муслимун» деб аталади. «Муслим», «муслимун» сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этилиши (масалан, форсларда – мусалмон, ўзбекларда – мусулмон, қирғиз ва қозоқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурмон) натижасида ислом динига эътиқод қилувчилар турли ном билан аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

Ислом VII асрда Ҳижоз (Ғарбий Арабистон)да пайдо бўлди. Унинг асосчиси Муҳаммаддир. Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида ислом манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охирги таълимот деб ҳисобланади.

Ислом дини тарихини ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни ҳисобга олиш керак. Ислом дини вужудга келган даврда Арабистон ярим оролида Макка ва Ясриб (Мадина) каби шаҳар-давлат (полис)лар бошқаларга нисбатан муайян устунликка эга эдилар. Бу шаҳарлар халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бўлиб, иқтисодий ҳаёт жўшқин тус олганди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаган.

Ҳижоз (Макка, Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тайма ва бошқалар) ва умуман, Арабистонни халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона салтанатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Салтанат тузиш билан бир қаторда Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Муҳаммаднинг диний ва сиёсий фаолияти юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган.

Муҳаммад ҳар томонлама баркамол инсон бўлганлиги учун яҳудий-христиан таълимотларига яқин гоя билан яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусият касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди. Бу куч исломнинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди.

Муҳаммад 610 йил, яъни 40 ёшларида ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганини эълон қилади. Аммо бир неча яқин қариндошларини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилик аҳолиси, айниқса, Курайш қабиласининг зодагонлари унинг тарғиботига очиқдан-очиқ қарши чиқадилар. Муҳаммад ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлади.

Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчади, сўнгра Макка зодагонлари билан маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги Бану Авс ва Бану Хазраж қабилаларининг вакиллари 622 йилда мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммадни умумий Раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Ясриб шаҳридаги мавжуд этник вазият ҳам шуни тақозо этганди.

Ҳижра номини олган бу воқеа ислом тарихида бурилиш ясади. Кўчиб ўтган кишилар муҳожирлар (кўчиб келганлар), Мадинада исломни қабул қилганлар ансорлар (тарафдорлар) деб аталдилар.

Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди. 628 йилда Макка зодагонлари Муҳаммад билан келишишга мажбур бўлдилар. 630 йилда мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Мака аҳолиси ёппасига ислом динини қабул қилди ва Муҳаммадни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка ислом дини марказига, Каъба мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

Муҳаммад вафот этган 632 йилда Арабистон ярим ороли тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси ислом динини қабул қилган эди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатлардан бирлашишида ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафкурасига айланди.

Муҳаммад вафотидан сўнг Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар. VII-VIII асрларда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Шимолий Ҳиндистон фатҳ этилди. Бир асрдан кам вақт давомида Шимолий Хитойдан – Испанияга, Кавказ ортидан – Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудуд забт этилди ва ислом дини кенг ҳудудда тарқалди.

Исломнинг муқаддас китоби – Қуръон. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни Аллоҳнинг ваҳий қилинган сўзи, деб тушунилади. Исломнинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари Қуръон билан бирга ҳадис тўпламлари ва шариат қўлланмаларида, шунингдек, VIII–XII асрларда вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Исломда илк даврдан пайдо бўлган энг биринчи йирик муаммо – олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақлироқ, деган масала бўлди. Али тарафдорлари «шиа» номини олиб, исломда биринчи бўлинишни бошлаб бердилар. Учинчи халифа Усмон айнан шу бўлинишнинг қурбони сифатида жон таслим қилди.

Икки тараф – суннийлик ва шиалик ўртасидаги кураш асносида хорижийлар деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Аммо ислом тарихи узра суннийлик асосий йўналиш бўлиб келди. Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган аббосийлар, салжуқийлар, айюбийлар, мамлуклар, усмонли турклар, темурийлар сулолалари суннийлар эдилар. Ҳозирги кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилигини (93 %) ташкил этади.

Бирдан-бир давлат – Эронда «шиа» расмий диний йўналиш сифатида қабул қилинган. Ироқ, Ливан, Шимолий Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда шиаларнинг йирик жамоалари мавжуд. Уммон ва Шимолий Африкада хорижийларнинг баъзи тоифалари сақланиб қолган.

Мусулмон ҳуқуқшунослиги – фиққда 4 сунний (ҳанафийлик, шофиъийлик, моликийлик, ҳанбалийлик) ва 1 шиа (аъфарийлик) мазҳаблари шаклланган. Мазҳаблар секта(фирқа)лардан фарқ қилади.

Секталар, асосан, жўғрофий ва иқлимий омиллар ҳамда исломни қабул қилган халқларнинг олдинги маданияти, анъаналари ва диний тасаввурлари таъсирида вужудга келган. Уларнинг аксарияти шиа йўналишига мансуб бўлиб, энг йириклари – имомийлар, исмоилийлар ва зайдийлардир.

Исломда илк даврлардан шариат (барча тўла риоя қилиши керак бўлган қонунчилик) билан тариқат (фақат айримлар Аллоҳ хайрихоҳлигига муяссар бўлиши мумкинлиги) ёнма-ён ривожланиб келган. Тариқат асосчилари – муршидларнинг «валинеъмати» асрлар оша ҳозирги авлодгача етиб келади, деган тушунча бор.

VIII-IX асрларда исломда диний фалсафий оқим – тасаввуф пайдо бўлди. Шарқда энг машҳур бўлган тасаввуф тариқатлари – нақшбандийлик, қодирийлар, шозилийлардир.

Ислом динининг муҳим хусусиятларидан бири – уни қабул қилган халқлар вакиллари учун ислом ақидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш имкониятини берганидадир.

Исломнинг ривожланишига Мовароуннаҳрда турли даврларда, турлича муайян тарихий шароитларда рўй берди. Иккинчидан, «ислом ислоҳотчилиги» дунёвий ҳаётнинг турли жиҳатларини диний нуқтаи назардан қайта баҳолашда намоён бўлди ва соф илоҳиётга доир масалаларга у қадар дахли бўлмади. Учинчидан, исломда христианларникига ўхшаш черков билан руҳонийларни боғлаб турувчи тизим бўлмаганидан исломдаги ислоҳотлар хусусиятига жиддий таъсир қилди.

Ўрта асрларда таркиб топган мусулмон судлов тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Мусулмон ҳуқуқий тизимининг ўзи ҳам муайян даражада ўзгарди: шариат судлари ҳуқуқи аста-секин чеклана борди; XIX аср ўрталарига келиб, усмонийлар империяси ҳудудида шариат судлари ва дунёвий судларнинг ваколати бутунлай чегаралаб қўйилди. Бир қанча мамлакатларда шариатда кўзда тутилмайдиган жиноят кодекслари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди. Мисрда Муҳаммад Алининг ислоҳотлари ва усмонийлар империясидаги танзимат сиёсати (ислоҳотлар) туфайли исломнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеида муайян ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари мусулмон илоҳиётчилари ва ҳуқуқшуносларини исломнинг бир қанча анъанавий қоидаларини янгича талқин этишга мажбур эта бошлади.

Бироқ бу жараён осон кечмади ва узоққа чўзилиб кетди. Бу, жумладан, мусулмон мамлакатларида банк тизимини яратиш жоизми (ёки гуноҳми) деган масала юзасидан бошланган мунозарада ўз аксини топди. 1899 йилда муфтий Муҳаммад Абду банк омонатлари ва улардан фоиз олиш судхўрликка кирмайди, бинобарин, у ман қилинган рибо ҳисобланмайди, деган фатво чиқарди. Бу фатво мавжуд молия тизимини миллий сармоядорлар манфаатига мослаштирди.

Мусулмон мамлакатларида тадбиркорликнинг авж олиши шариат қоидаларини ҳам, мусулмончиликдаги бошқа анъанавий тамойилларни ҳам янгича талқин қилишга олиб келди. Ижтимоий онг соҳасида рўй берган ўзгариш жуда муҳим роль ўйнади. Бу, аввало, миллий ўзини англаш жараёнига тааллуқлидир.

Шу жараён давомида исломнинг барча мусулмонлар бирлиги тўғрисидаги анъанавий қоидаси янгича маъно касб этди. Жамолиддин ал-Афғоний мусулмонларнинг бирдамлиги ғоясини кўтариб чиқди. М.Абду, Ж.Афғоний, Рашид Ризо ва бошқаларнинг ғоялари миллий озодлик ҳаракатларига туртки бўлиб, кўпчилик мусулмон давлатларнинг сиёсий мустақилликка эришувида ижобий роль ўйнади.

Айни вақтда ислом бирдамлиги ғоясига асосланган халқаро ислом ҳаракати шакллана бошлади: 1926 йилда биринчи халқаро мусулмон ташкилоти – Ислом олами конгресси (Муътамар ал-алам ал-исломи) ташкил қилинди. Шунингдек, исломнинг гўё Муҳаммад замонидаги «асл» тамойилларига қайтишга даъват этишга турли фундаменталистик оқимлар (Ваҳҳобийлик) ва мутаассиб гуруҳлар (масалан, ҳизбут-таҳрир) пайдо бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласида ҳам ислом омилидан фойдаланишга қаратилган уринишлар содир бўлди (Эрон ислом инқилоби, Ливия Жамоҳирияси ва бошқа).

МАР, Қувайт, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Афғонистон сингари қатор мамлакатларда ислом давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган. Айрим мамлакатларда «ислом» сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом республикаси, Покистон Ислом республикаси, Афғонистон Ислом республикаси, Мавритания Ислом республикаси ва бошқа Осиё, Африка қитъасидаги баъзи мамлакатларда исломнинг тарқалишига мусулмон партиялари таъсир қилмоқда, улар кўпинча сиёсатда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўтган аср 70-йилларининг охири – 80-йилларининг бошида халқаро ишларда ҳукумат даражасида ёки ноҳукумат даражасида иш олиб борувчи халқаро мусулмон ташкилотлари муайян мавқега эга бўла бошлади. Бундай ташкилотлардан энг нуфузлиси Ислом конференцияси ташкилоти (Муназзамат ал-муътамар ал-исломи) бўлиб, у 1969 йилда тузилган, унга 55 мамлакат (Ўзбекистон Республикаси 1996 йилдан) аъзо.

Халқаро ноҳукумат мусулмон ташкилотлари орасида Ислом олами уюшмаси, Ислом олами конгресси, Ислом олами ташкилоти, Европа ислом кенгаши, АҚШ Олий ислом кенгаши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар, асосан, исломни тарғиб қилиш ва ёйиш, диний арбобларнинг халқаро учрашувини ташкил қилиш, турли мамлакатлардаги ислом жамоаларига ёрдам бериш билан шуғулланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, ислом дини ҳаётда муносиб ўринни эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларини адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони Карим икки марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 йиллар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, ислом уламоларининг юзларча китоблари яна халққа етказилди. Ислом тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, холисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик институтида исломшунослик кафедраси очилди (1992 й.), деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент Ислом университети ташкил қилинди (1999 й.), унинг таркибида Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ишлаб турибди.

ИСЛОМНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА МОВАРОУННАҲРДА ЕТИШИБ ЧИҚҚАН ИМОМ БУХОРИЙ, ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ, БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ, ИМОМ МОТУРИДИЙ, АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ, АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ, ЗАМАХШАРИЙ, АҲМАД ЯССАВИЙ, БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, НАЖМИДДИН КУБРО СИНГАРИ АЛЛОМАЛАР КАТТА ҲИССА ҚЎШДИЛАР.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мустақиллик йилларида ислом динига, унинг тарихий ва маданий меросига, ислом маданиятининг ривожланишига, ислом дини ва ислом маданиятининг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ислом дини ва ислом маданиятининг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ислом дини ва ислом маданиятининг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар(мунозара) пайтида «Табаррук замин» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган "Ўзбекистон давлати – қадимий маданият маркази" номли видеомаъруза намойиш этилади.

Ўқув-услубий йиғин

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИНГ АСОСИ

Марказий офицерлар уйида уч кун давом этган тарбиячи офицерларнинг ўқув-услубий йиғини ўз ишини якунлади. Тарбиячи офицерларнинг мазкур йиғинида асосий эътибор ҳарбий жамоаларда интизомни янада мустаҳкамлаш, тарбия жараёнининг узлуксиз самарадорлигини ошириб боришга қаратилди.

Тарбиянинг бағоят нозик ва мураккаб жараён эканлигини кўпчилик яхши билади, албатта. Сафлари асосан ёшлар ҳисобига бутланиб турувчи Қуролли Кучларда тарбиянинг аҳамияти айниқса, юксакдир. Йиғин бу борада иштирокчиларга қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бера олди, деб айтишга ҳақлимиз. Кўргазмали машғулотлар, видеофильмлар намойиши, тингловчилар аудиториясининг йиғин мазмунига мос адабиётлар билан жиҳозланганлиги тадбир мазмундорлигини янада оширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлими бошлиғи адлия подполковниги Ёқубжон Содиқов ва адлия майори Дилшод Маҳбубовларнинг маърузалари тингланди.

– Ҳарбий жамоаларда ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг деярли йўқлиги айнан ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ҳамкорликдаги самарали фаолият натижасидир, – дейди офицер Мўмин Носиров. – Йиғин бу борада янада кўпроқ янгиликлар, йўл-йўриқлар бера олганлиги билан аҳамиятлидир.

– Мазкур тадбир тарбиячи офицерлар учун ўзига хос синов ҳам бўлди, – дейди яна бир иштирокчи офицер Рустам Назиров. – Ўз вазифанг, мажбуриятларинг нимадан иборат, эканлигини саноқли дақиқаларда аниқ-равшан қоғозга тушириш ҳам офицернинг тарбиячилик иқтидори қай даражада эканлигини билиш имконини беради.

– Йиғин тарбиявий ишларда психологик тестларнинг нечоғли катта аҳамият касб этишини чуқур таҳлил қилинган далиллар асосида кўрсатиб берди, – дейди офицер Мамарасул Ҳусаинов. – Профессионал, фидойи посбоннинг қай даражада шаклланганлигини, камолотга эришганлигини айнан ана шу тестлар ёрдамида аниқлаш мумкин деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг социология ва психология кафедраси бошлиғи И.Маҳмудовнинг маърузаси илмий асосланган таҳлиллари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Шунингдек, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти менежмент ва маркетинг кафедраси мудири Х.Тошматовнинг маърузаси ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Бундан ташқари, офицер У.Асқаровнинг ҳарбийларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ таҳлилий маърузаси ҳам йиғин иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

– Мазкур тадбирни ўзига хос тажриба алмашув ҳам дейиш мумкин, – дея ўз фикрини билдирди офицер Ўктам Асланов. – Тарбия жараёнида ҳали қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг борлиги бундай йиғинлар ўтказилиши айни муддао эканлигини билдиради. Жанговар шайликнинг асоси бўлган ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашда ҳамкорликда иш олиб бориш самарадорликни таъминлайди.

Баҳс-мунозаралар, саволжавоблар кўплиги йиғин ғоят пухта ташкиллаштирилганлигини кўрсатиб турибди. Офицерлар Алишер Қиличов, Ҳусниддин Мухторов, Зафаржон Абдуллаевлар мулоҳазаларини баён этиб, мазкур йиғинда иштирок этган ҳар бир етакчининг ўз қўл остида хизмат қилаётган посбон учун янгилик, янги фикр айта олиш даражасида сабоқ олганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Тимур КАРИМОВ
суратга олган.

Тавсиянома – муҳим имтиёз

ТАЯНАМИЗ, СУЯНАМИЗ ШУНДАЙ МАРДЛАРГА

Бугуннинг аскарига ҳавас билан қарайдиганлар кўп. Ахир, миллий армиямизнинг аскари бўлиш бугун шарафга, фахрга айланди-да. Таъкидлаш лозимки, бу Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар сабабли муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ортаётганидан, ёшларимиз аскар бўлиш, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш истаги билан ёнаётганидандир.

«Ой бориб, омон кел, болам», дея дуолар қилган, ризқи узилмасин, деган маънода нон тишлатиб қолган оналарнинг, «Ватан корига яра, асл йигит бўлиб, юзимизни ёруғ қил», дея ниятлар қилган оталарнинг бағирлари ҳадемай тўлади. Яъни, ўғлони, шунқори резервга бўшайди. Уйига шунчаки қайтмайди. Янада тўлишиб, ўктам бўлиб, маънан ва жисмонан баркамол бўлиб, аълочилари эса муҳим имтиёзлардан бири бўлган Тавсияномани қўлга киритиб боради, ота-она қучоғига.

Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берiладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳарбий қисм қўмондонлиги Тавсияномасига эга бўлган йигитларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилишини кўпчилигимиз яхши биламиз. Жорий йил ёзида ушбу имтиёз асосида олий ўқув, шу жумладан, олий ҳарбий билим юртларига қабул қилинган йигитларни биламан. Масалан, сурхондарёлик Жўрабек Қосимов икки ҳарбий акасига ҳавас қилиб, офицер бўлишга аҳд қилди. Муддатли ҳарбий хизмати давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда аълочилар сафида бўлди. Юртига, халқига, қасамёдига содиқ ўғлон эканлигини исботлади. Натижада қисм қўмондонлигининг Тавсияномасига эга бўлди. Мана, ёзда орзусига эришиб, курсантлик либосини кийди.

Яқинда Тавсияномага номзод муддатли ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда тест синовлари топширишди. Ҳа, бу мазкур имтиёзнинг энг муносибларга, энг сараларга, интеллектуал салоҳияти, жанговар маҳорати билан сафдошларига намуна бўлаётганларга берилишидан далолат. Оддий аскар Акмал Исмоилов ана шундайлар сирасидан. У кинооператор вазифасида хизмат қилянти. Дам олиш кунлари, байрам кунлари посбон белгиланган режа асосида сафдошларига миллий руҳдаги ҳужжатли, бадиий фильмларни олиб келиб намойиш этади. Масалан, истиқлол айёми нишонланган кунларда "Сардор", "Остона" номли фильмларнинг, қатағон қурбонларига бағишланган киноасарларнинг тақдим этилганини айтиб ўтиш мумкин. "Посбонларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бу аскарнинг, хусусан, у намойиш этаётган фильмларнинг ўрни беқиёс. Шу маънода у бизнинг энг яқин ёрдамчимиздир", дейди тарбиячи офицер катта лейтенант Бобуржон Позилов.

Тестда жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар борасида, умуман, машғулотларда олган билим ва кўникмалари бўйича саволларга жавоб берди, Акмал. Президент асарлари, миллий рамзларимиз, тарихимиз, буюк саркардаларимиз борасидаги билимлари, халқаро терроризм борасидаги тушунчалари синовдан ўтди. "Давлат тест маркази, маҳаллий ҳокимлик вакиллари тест жараёнини назорат қилишди. Яъни синов одилона ўтди. Тавсияномага соҳибига айлансам, олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Муддатли ҳарбий хизмат соҳага ҳавасни қалбимда янада алангалатди" , дейди оддий аскар Исмоилов.

Марғилонлик оддий аскар Низомиддин Боипов муддатли ҳарбий хизматчига коллежнинг ҳуқуқшунослик бўлимини тугаллаган. Юрт ҳимоясига келиб, мардонавор хизмат қилди. Доимо илғорлар сафида бўлди, ўқчи посбон. Тестга пухта ҳозирлик кўрди. Ишонч билан саволларга жавоб берди.

"Тестда асосан хизматимиз давомида ўрганганларимизни яна бир бор такрорладик. Тавсияномани қўлга киритсам, ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидаги устувор мақсадларимиз йўлида хизмат қилмоқчиман", – аскарнинг жавоби шундай бўлди.

Оддий аскар Зафар Эшқулов интизоми, спортга бўлган қизиқиши билан, интеллектуал ўйинлардаги фаоллиги билан хизматининг бошидаёқ ажралиб турди. Акалари ҳарбий соҳадаги бўлгани учун ҳам хизматининг бошидаёқ жанговар тайёргарликларда намуна бўлди. Шунинг учун ҳам аълочи бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳам Тавсияномага номзодлар сафидан жой олди. Ҳайдовчи вазифасидаги посбон Тавсияномага муносиб топилса, техник маълумот берувчи олий ўқув юртларимиздан бирига ўқишга кирмоқчи.

Оддий аскар Ўткир Тожибоев муддатли ҳарбий хизмати давомида, яъни жорий йилнинг ёзида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун тест топширди. Тўплаган баллари бироз етишмади. Мана, энди посбон Тавсияномани олиш учун тест топширди. Яъни мақсади йўлида қатъият билан ҳаракат қилмоқда, десак, тўғрироқ бўлар. Тавсияномага соҳибига айланиши, офицер бўлишига тилак билдирдик.

Резервга бўшаш арафасидаги посбонлар билан суҳбатлашар эканман, армия мактабини – йигитлик мактабини ўтаган ўғлонларимизнинг ҳар бирига таянишимиз, суянишимиз мумкинлигига яна бир бор амин бўлдим.

Сафар АЛИЕВ.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

Салобатли тоғлар, чеки-чегараси йўқдек туюлгувчи чўллар, яшнаб турадиган далалар, оддий, меҳнаткаш ҳам жўмард инсонлар яшовчи мафтункор, тилсимларга бой бу сўлим воҳа ҳақида Юртбошимизнинг шундай самимий сўзлари бор: «Ҳар сафар Қашқадарё заминига қадам қўйганда бенихтиёр баҳри-дилим очилиб кетади». Қашқадарё Ватанимиз тарихининг энг кўҳна ва теран илдизларидан биридир. Бугун у ҳар томонлама юксалаётган, улуғ истиқлолнинг хуш насимларидан баҳра олиб, гуллаб яшнаётган воҳага айланган.



Воҳа тарихи қадимги тош асрларига бориб тақалади. Буни кўплаб бошқа илмий манбалар қаторида Тахтақорача довонидаги Такалисой бўйидаги ғордан топилган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Қашқадарё вилояти кўҳна тарихи, қадимий маданий ёдгорликлари билан машҳур. Бу ердан буюк олимлар, адиб ва шоирлар, машҳур санъаткорлар, бахшилар, халқ артистлари, рассомлар етишиб чиққан. Булар ҳақида қанчалик чуқур билсангиз, вилоятни алломаларга бешик бўлган муқаддас диёрга, маънавиятнинг битмас-туганмас мусаффо, зилол чашмасига ўхшатингиз келаверади.

IX-X асрларда иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, фан ва адабиётнинг ривожланиши Кешни «Қувватул-илм вал адаб» деган қутлуғ номга сазовор қилди. Ўша даврларда Насаф ва Кешда ҳадисшунослик, фиққшунослик мактаблари вужудга келган. Бу мактаблар ўз навбатида Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний, Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий, Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий каби алломалар билан ислом оламини янада нурлантирди.

Биз воҳани бежизга маънавиятнинг мусаффо булоғига қиёс қилмадик. Миллатнинг толмас куйчиси, миллатнинг жарангдор овози, миллатнинг суюкли фарзанди Ўзбекистон қаҳрамони шоир Абдулла Орипов шу замин бағрида ўсиб, улғайган. Бу замин ўзбек адабиётига Тоғай шоир, Шомурод бахши, Самар Нур, бахшилар – Азим Хўжаев ва Қодир Раҳимов, Икром Отамуродов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Исмоил Тўхтамишев, Хосият Лутфуллаева, Назар Эшонқул, Чори Аваз, Амир Худойберди, Зебо Мирзаева, Салим Ашур, Амирқул Карим ва яна бошқа кўплаб олим, ёзувчи, шоирларни туҳфа этди.

Вилоят тарихий ёдгорликларга бой. Уларнинг катта қисми яшил шаҳарда, яъни Шаҳрисабзда жойлашган. Асрлар силсиласига сабот билан дош берган обидалар умри бир неча ўн йилларгагина етган шўро даврининг жаҳолатга тўла сиёсати туфайли кунпаякун қилинди. Кўҳна Кеш обидаларининг таъмирланиши, сақланишида 1986-1989 йиллар вилоятга раҳбарлик қилган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг алоҳида ҳиссаси бор. Маънавиятнинг чинакам фидойиси бўлган Юртбошимиз ўша йиллардаёқ Қашқадарёнинг бой тарихини, буюк сиймолари номини тиклаш ташаббусини олға сурган эди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан обидаларни таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Оқсарой меъморий мажмуаси консервация қилинди. Марказий майдонга Буюк Соҳибқирон ҳайкали ўрнатилди. Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёдат мажмуасидаги Жаҳонгир Мирзо мақбараси, Улуғбек мадрасаси таъмирланди.

Улар қаторида Касбидаги Султон Мирҳайдар, Имом Муҳаммад Садрий, Китобдаги ҳазрати Башир, Муборакдаги Занжирсарой ёдгорликлари, Боғи Эшон шаҳристони, Декча сардобаси, Усмон Юсупов туманидаги Чор гумбаз масжиди, Яккабоғдаги Қаландартепа ҳамда Амир Темур тавалуд топган қишлоқдаги Хожа Илғор ота, Қамашидаги Лангар ота мақбараси, Қаршидаги Ҳазрати Султон Абдулхайр масжиди ва ер ости ҳаммоми, Ғузордаги Тоҳир ва Зуҳра мажмуаси, Қўрғонтепа, Мусофир ота қадамжолари обод этилди.

Бугунги Қашқадарё қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда ёқилғи ресурсларини қазиб олиш бўйича мамлакатимизда муҳим ўринни эгаллайди. Вилоят республикада қазиб олинадиган табиий газнинг 88 %, нефтнинг 92 %, конденсатнинг 99,6 %, олтингугуртнинг 100 % ни беради.

Қашқадарё республикамиздаги энг кўп дон ва пахта етиштириб берадиган вилоятдир. Ўзбекистонда тайёрланадиган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 10,2 %, шу жумладан, пахтанинг 11,8 %, ғалланинг 12 %, қорақўл терининг 19 % вилоят ҳиссасига тўғри келади. Табиий газ, конденсат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар ривожланмоқда.

Табиий газ ва нефть қазиб олиш, газни қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ экстракцияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ип йигирув, тикувчилик саноатнинг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

Ғаллачилик, пахтачилик, картошкачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик эса қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини ташкил этади. Боғдорчилик, узум етиштириш, ипакчилик соҳалари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Чорвачилик гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамолчилик, сурувлар, паррандачилик ривожланган.

Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузор туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йирик наслчилик хўжаликлари мавжуд. Асаларичиликка ҳам эътибор кам эмас.

Вилоят азал-азалдан танти полвонлари билан шуҳрат қозониб келади. Фарҳод Хўжанов, Зокир Жўраев, Эркин Холиқов, Баҳром Авезов, ака-ука Исом ва Фурқат Кенжаевлар, Алишер Мухторовларнинг номи нафақат мамлакатимизда, балки хориж давлатларида ҳам яхши таниш. Анвар Ражабов, Сарвиноз Эргашевалар халқаро майдонларда шахмат бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. «Насаф», «Шўртан», «Машъал» жамоалари мамлакат олий лигасида тўп сурмоқдалар. Вилоятда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Стадионлар, замонавий теннис кортлари, спорт заллари, сузиш ҳавзалари ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари мавжуд.

Вилоят бетакрор табиат мўъжизаларига бой. Шаҳрисабздаги Сувтушар шаршарасини табиатнинг ноёб мўъжизаси, дейиш мумкин. Баҳорда бахмалдай товлангувчи қизғалдоқзор далалар, равон йўллар, саҳро ўртасида қад кўтарган гўзал шаҳарлар, серҳосил боғ-роғлар, экинзорлар, пурвиқор тоғлар вилоят кўркидир.

Бу ерда замини каби сахий, бағрикенг, меҳнаткаш, яратувчан инсонлар истиқомат қилади. Юртбошимизнинг Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган қуйидаги фикрлари уларга берилган ҳаққоний баҳодир: **«...мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва орияти, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлар эдим».**

Самимият тўла бундай эътироф ҳар бир қашқадарёлик қалбида яратувчилик ишқини янада алангалатиб, озод ва обод Ватан тараққиёти йўлида ёниб яшашга илҳомлантиради. Эъзозли байрам, энг азиз ва энг улуғ айём – қутлуғ Мустақиллик куни барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Конкурс на лучшего специалиста-ремонтника

ОНИ ОПРЕДЕЛЯЮТ МОБИЛЬНОСТЬ АРМИИ



Требование времени по созданию мобильных и самодостаточных Вооруженных Сил, претворяемое в жизнь в ходе военной реформы, не в последнюю очередь предполагает наличие современной ремонтно-восстановительной базы и хороших специалистов. Проведенный конкурс на лучшего специалиста-ремонтника преследовал цели поднять престиж этой воинской специальности, в атмосфере состязательности еще более повысить качество боевой учебы в данной сфере.

В течение двух дней победители окружных этапов конкурса спорили за победу в номинациях: «Лучший командир ремонтной группы», «Лучший командир секции» и «Лучший специалист-ремонтник». В приветственном слове к участникам офицер Александр Мокеев пожелал всем конкурсантам показать свое мастерство и профессиональные навыки, добиться лучших результатов.

Стартовали состязания со сдачи тестов. Офицерам и сержантам потребовалось найти ответы на более чем 100 вопросов. По мнению возглавлявшего это учебное место офицера Файзулло Юсупова, основная масса участников показала очень высокий уровень готовности.

На следующем учебном месте выполнялся норматив по развертыванию в полевых условиях ремонтно-слесарной мастерской. В палатке создавались рабочие места для слесаря, токаря и других специалистов. Требовалось не просто расположить станки и инструменты, но и показать умелое обращение с ними. Например, младший сержант Эркин Рустамов быстро и качественно выполнил условие задания, выточив на токарном станке болт, нарезав резьбу. Готовое изделие оказалось высокого качества.

Разворачивание механических ремонтных мастерских экзаменовало участников не только на соответствие временным рамкам, но и на умение выполнить определенные виды работ. В частности, сварщики младшие сержанты Ильхом Бобоев и Юлдаш Асронов сноровисто наложили сварочный шов на место «поломки», а их товарищи успешно справились с заданием по ремонту аккумуляторной батареи.

Особое место в испытаниях ремонтников заняла кузница. Практически все они показали умелое обращение с горном и кузнечным молотом, выковав из железного прута монтажную лопатку даже ранее срока норматива. А у младшего сержанта Ильхома Мамадиева это получилось очень изящно и легко.

Такая грозная боевая техника, как танк, требует использования мощных подъемных механизмов. Поэтому в танкоремонтной мастерской участники под строгим надзором офицера Камола Бурханова показывали исполнение таких технических приемов, как установка стрелы на кране и снятие ее, погрузочно-разгрузочные работы на кране.

– В работе ремонтника одним из важных элементов является эвакуация неисправной автомобильной техники и боевых машин, – рассказывает член жюри конкурса офицер Василий Божко. – От участников требовалось показать технически грамотное исполнение таких приемов, как буксировка техники с помощью лебедки, методом частичного подъема и погрузки на другую машину.

Представители команд офицеры Бекмирза Акбаров, Низомжон Пармонов отметили высокий уровень организации конкурса, большую пользу от проведения подобных мероприятий в плане повышения профессионального уровня специалистов по ремонту техники и вооружения, поднятия престижа инженерно-технического состава Вооруженных Сил. И действительно, ведь и их самоотверженным ратным трудом достигается мобильность армии независимого Узбекистана.

По итогам выполнения практических нормативов по технической подготовке первое место заняли представители ЮЗОВО, удостоенные звания «Лучшая ремонтная группа Министерства обороны», а также соответствующего памятного знака и диплома. На втором и третьем местах – ремонтники СЗВО и ВВО. В номинации «Лучший командир ремонтной группы» победу в конкурсе одержал лейтенант Н.Халлиев, второго и третьего мест удостоились лейтенант О.Буриев и старший лейтенант Д.Мамедов. В номинации «Лучший специалист ремонтного подразделения» сразу пять участников стали победителями конкурса. Так, лучшим кузнецом назван младший сержант Б.Ходжанов, лучшим аккумуляторщиком – младший сержант О.Сидиков, лучшим водителем эвакуационного тягача – младший сержант Б.Тургунов, лучшим токарем – младший сержант Ш.Пардаев и лучшим сварщиком – младший сержант Э.Рустамов.

Поощрение победителей второго тура конкурса будет осуществлено согласно приказу министра обороны и начальника главного управления вооружения Министерства обороны. Кроме того, согласно положению о проведении данного конкурса, победители второго тура получают право на внеконкурсное поступление в школы подготовки сержантов и высшие военно-образовательные учреждения Министерства обороны, а лучший командир ремонтной группы зачисляется в резерв для выдвижения на вышестоящую должность.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

Четвероногий друг – на службе у человека

«ЧАСОВОЙ» ПО КЛИЧКЕ БАЙКАЛ

На недавно прошедшей межведомственной выставке служебных собак четвероногие подопечные Центрального питомника служебного собаководства Министерства обороны в остром соперничестве завоевали первое место, наглядно подтвердив, что на сегодня им нет равных в своем деле.

Как рассказали в Центральном питомнике служебного собаководства, условия соревнований в корне отличались от подобных выставок. Ведь не случайно к «военным» служебным собакам требования особенные. Кроме общепринятых критериев отбора, оценивались они и по таким параметрам, как поиск по следу, а также несение караульной, конвойной и минно-розыскной служб, применение против террористических группировок.

Военные специалисты-кинологи отмечают, что роль четвероногих помощников при решении учебно-боевых задач с каждым годом становится все значимей, а порой и незаменимой. Узнав о цели редакционного задания, начальник питомника майор Отабек Матьякубов ознакомил с распорядком дня подопечных. Нам повезло: считанные минуты оставались до занятий по дрессировке.

– Основная задача нашего питомника, – рассказывает майор О.Матьякубов, – обеспечение воинских частей обученными служебными собаками. Ведь в деле укрепления обороноспособности страны они выполняют очень важную миссию: бдительно несут караульную службу, предотвращают незаконные пересечения Государственной границы, обнаруживают наркотические вещества, схроны боеприпасов и оружия.

Обучение собак здесь ведется по нескольким направлениям. Учитывается специфика мест несения предстоящей службы. Например, для караульной, поисковой службы и т.д. сроки обучения разнятся от 2 до 5 месяцев. Породы обучаемых собак – восточно-европейская, немецкая и бельгийская овчарки, среднеазиатские алабаи. Это универсальные породы. Выбор на них пал не случайно. Они отлично адаптируются к любым метеоусловиям, имеют развитое обоняние, неприхотливы в еде, выносливы, прекрасно поддаются дрессировке и, что немаловажно, отличаются безупречной преданностью. Одним словом, умницы. Кроме того, на базе действует племенное отделение, где разводятся собаки.

Распорядок дня у питомцев также подчинен армейскому режиму. Они обязательно заступают в караульный наряд, у них двухразовое питание, занятия все проходят строго по графику.

Следят за собаками и дрессируют их опытные военные кинологи. Главный результат тренировки зависит от человеческого фактора. Потому в питомнике особо ценится труд опытных кинологов – военнослужащих по контракту сержанта Баходира Юлдашева, младшего сержанта Алишера Нурметова, рядовых Ахмада Гадаева и Навруза Нурмуродова. Именно под их патронажем собаки с кличками Байкал, Вук, Муйнак, Жасмин завоевывают высшие награды на различных состязаниях среди служебных собак и, кстати, находятся в питомнике на «штатной» основе, так как являются еще и инструкторами среди своих четвероногих собратьев, примером в выполнении упражнений, признанными авторитетами.

...Настало время начала занятий. Ветеринарный врач сержант Абдусаттор Жумаев первым делом производит осмотр четвероногого личного состава. Первый признак здоровья собаки – нос мокрый. Значит, есть «добро» для тренировок. Боевая учеба в дрессировочном городке закипела. Отрабатываются различные команды голосом, жестикуляцией, используются разнообразные имитационные средства, в том числе и звуки боевых выстрелов, задерживается условный противник. Словом, есть на что посмотреть. Впечатления от зрелища слаженной совместной работы дрессировщика и собаки остались самые приятные.

Судьбы у этих собак военные: место службы они не выбирают. Скоро многие из них разъедутся по гарнизонам и будут беззаветно нести службу, подтверждая старую истину: «Собака – друг человека». Вот и часовым, в бессонных караулах несущим службу по охране и обороне военных объектов, гораздо спокойнее служится, когда рядом четвероногий друг. Уже знакомый нам красавец-пес чутко навострит уши, едва заслышав команду: «Ко мне, Байкал!» И помчится на зов хозяина, ведь верность – это самое лучшее его качество.

Старший лейтенант
Мирза ХАСАНОВ.
Фото
Тимура КАРИМОВА.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 5 октября. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ВОСЬМОГО ТУРА

1. Звуковым сигналом общей тревоги на железнодорожном переезде служит серия из:
а) двух длинных и двух коротких сигналов;
б) одного длинного и трех коротких сигналов;
в) трех длинных и трех коротких сигналов;
г) трех длинных и одного короткого сигнала.

2. Правильно ли поступил водитель, применив переключение света фар и звуковой сигнал для привлечения внимания обгоняемого водителя вне населенного пункта?
а) неправильно;
б) правильно.

3. Что необходимо сделать при переломе ключицы у пострадавшего?
а) наложить холодный компресс на место перелома, туже забинтовать;
б) наложить шину в подмышечную область и прибинтовать выпрямленную руку к туловищу;
в) подложить валик из ваты или бинта в подмышечную область и прибинтовать согнутую в локте руку к туловищу.

4. Какое количество противотуманных фар разрешается устанавливать на легковом автомобиле?
а) две; б) четыре; в) по усмотрению водителя.

5. Какая первая медицинская помощь нужна при повреждениях мягких тканей бедра?
а) наложить тугую повязку на поврежденное место, на 15 – 20 минут приложить мешочек со льдом. Поврежденную конечность приподнять, обеспечить покой;
б) перевязать неповрежденную ногу снизу наверх, поставить шину, как при переломе. Дать выпить стакан чая с пищевой содой, отправить в больницу;
в) положить ногу на мягкий предмет.

6. Разрешается ли устанавливать на одну ось автомобиля шины с различным рисунком протектора?
а) разрешается только на переднюю ось;
б) разрешается на автомобиль с передним ведущим мостом только на заднюю ось;
в) запрещается.

7. Всегда ли должен водитель подавать световой сигнал указателями поворота при выполнении маневра?
а) должен всегда;
б) не должен, если он может ввести в заблуждение других участников движения;
в) должен, приняв необходимые меры предосторожности.

8. Водитель может покидать свое место или оставлять транспортное средство, если:
а) он выключил двигатель и включил стояночную тормозную систему;
б) он выключил двигатель и установил задний противооткатный буфер безопасности;
в) им приняты необходимые меры, исключающие самопроизвольное движение транспортного средства или использование его в отсутствие водителя.

9. Где могут находиться пассажиры при буксировке путем частичной погрузки?
а) в кабине обоих автомобилей;
б) в кабине буксирующего автомобиля;
в) в кабине буксируемого автомобиля;
г) в кузове буксирующего автомобиля.

10. Где разрешается пересекать железнодорожные пути?
а) в местах, где видимость в обоих направлениях не менее 1000 м;
б) в местах, наиболее удобных с точки зрения водителя;
в) в установленных для этого местах;
г) не ближе 1000 м от железнодорожной станции.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ СЕДЬМОГО ТУРА

1. Загрязнение фильтрующего элемента фильтра грубой очистки или трубопроводов, возникновение течи в соединениях, понижение вязкости масла, недостаточная производительность масляного насоса. Износ подшипников коленчатого вала.
2. 30 градусов.
3. Не выступал за габариты транспортного средства сзади более чем на 0,8 м от крайнего заднего размера транспортных средств.
4. Плотность электролита в аккумуляторных батареях проверяется с помощью ареометра.
5. Все ответы правильные.
6. 1,22.
7. Гидравлический.

БУ ҚИЗИҚ

ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ ИСИ БОР

Токио технология институтида профессор Памбук Сомбун раҳбарлигида ишлаб чиқилган қурилма ҳеч шубҳасиз илмий-фантастик романларда тилга олинган мўъжизакор машинани эслатади. Ушбу қурилма худди магнитофон каби ҳидларни ёзиб олади-да, кейин керак пайти улардан фойдаланишга имконият яратиб беради.

Япон олимлари ҳид ёзувчи бундай қурилма Интернетдан фойдаланувчилар орасида машҳур бўлиб кетишига ишонмоқдалар. Зеро, бундан кейин Интернетда харидорлар маҳсулотнинг суратини ёки уч ўлчамли голограммасини кўриш билан кифояланмасдан, бевосита уни ҳидлаб кўриш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, мисол учун, гул ёки пардоз-андоз буюмларини харид қилишда жуда қўл келади.

Янги қурилма тиббиёт ходимлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Зеро, бу ҳолда шифокорлар исталган масофадан туриб беморнинг қони ёки пешоби иси билан таниша оладилар. Масофадан ташхис қўйишда бу ҳолат беқиёс аҳамиятга эга.

Қўл телефонлари ишлаб чиқарадиган компаниялар ҳам янги қурилмага харидор бўлишларини яшириб ўтиришмаяпти. Муҳандислар мазкур қурилманинг ўта кичиклаштирилган нусхасини қўл телефонларига ўрнатиш орзусидалар.

Профессор Памбук Сомбун ўз ҳамкасблари билан 1999 йилдан бери ҳид ёзиб олувчи қурилма устида иш олиб бормоқда. Аввалига ишлар кўнгилдагидек кечмади. Ишлаб чиқилган қурилмаларнинг ҳам ҳид ёзиш имконияти чекланган эди. Янги қурилма эса энг нафис атирдан тортиб, ачиган тарвузнинг ҳидига қадар бемалол ёзиб олади.

Ҳидларни қурилмадаги 15 электрон «бурун» илғаб олади. Кейин ҳид таҳлил этилади, таркибларга бўлинади ва рақамли форматда қайд этилади. Бунинг учун қурилмадаги 96 хил кимёвий модданинг кераклиси етарли миқдорда аралаштирилади. Ҳосил бўлган томчи яна аралаштирилади ва шундан кейингина буғ ҳолига келгунга қадар қиздирилади.

Ҳозирча қурилма ўлчами каттароқ – 100х60 сантиметр. Зеро, қурилмадаги ҳар бир кимёвий модда алоҳида шиша стаканларда сақланади. Бу эса анча жойни олиб қўяди. Шу сабабли ҳозирча қурилманинг кўчма, масалан, чўнтакда олиб юрадиган нусхаси яратилгани йўқ. Бироқ тиниб-тинчимас японлар тез орада бу муаммони ҳам ҳал қилишларига ишонишмоқда.

СУВДА ИСМИНГИЗНИ ЎҚИЙСИЗ

Сувда исмингизни ўқишни истармидингиз? Ҳадемай бунинг иложи топиладиганга ўхшайди...

Японияннг Акисима лабораторияси тадқиқотчилари сув юзасида ҳарфлар ва расмлар ёзадиган мослама яратдилар. Ушбу мослама 50 та тўлқин генераторидан иборат бўлиб, уларнинг юқорига ва пастга ҳаракатланиши натижасида сув устида кўплаб айлана тўлқинлари пайдо бўлади. Мослама барча лотин ҳарфларини ва бир нечта кандзи иероглифларини ҳосил қила олади. Афсуски, ҳар бир ҳарф ёки расм сув сатҳида жуда кам вақт сақланиб туради. Акисима лабораториясида аввал ҳам шунга ўхшаш мосламалар яратилган, бироқ тўғри чизиқларни ясашда қийинчиликлар мавжуд эди. Энди бу қийинчиликлар бартараф этилган, мосламанинг нархи ҳам аниқ эмас.

Бунга ўхшаш техника воситалари шу пайтгача 20 миллион иен (тахминан 170 минг доллар) атрофида баҳоланарди, янги мослама арзонроқ бўлиши керак, деб ҳисобланмоқда.

Кашфиётчилар ўз ишларининг амалиётга татбиқ этилишидан умидвор. Ана сизга техника.

Шифокор маслаҳати

КУЙДИРГИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Куйдирги қадим замонлардан халқ орасида маълум бўлиб, Сибир яраси, илоҳий олов, Эрон алангаси, ёмон яра ва бошқа номлар билан юритилган ўткир юқумли касалликдир.

Ушбу касаллик билан йирик ҳамда майда шохли ҳайвонлар, от, туя, кийик, чўчқа, мушук, қуён кабилар касалланади ва бу атрофдаги одамлар ҳамда ҳайвонлар саломатлигига хавф туғдиради. У одамга касал ёки шу касалликдан ўлган ҳайвонларга яқинлашганда, уларнинг гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилганда, тери ва жунлари қайта ишланганда юқади. Касаллик сабабчиси, куйдирги таёқчаси ҳисобланади.

Куйдирги таёқчалари юқори ва паст ҳароратга, кимёвий ва дезинфекцияловчи моддаларга чидамсиздир. Улар қуёш нурига 8 соатда, 75 С ҳароратда бир дақиқада, қайнатилганда эса шу заҳоти, дезинфекцияловчи моддалардан хлораминнинг 1 % эритмасида 20-30 дақиқадан сўнг ҳалок бўлади.

Унинг споралари ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, тупроқда бир неча ўн йиллар сақланади, ҳатто ўсиши ва қайта спора ҳосил қилиши ҳам мумкин. Ҳайвонлар бу касаллик споралари билан ифлосланган ем-ҳашакни истеъмол қилганда ёки ўт ва ўсимлик илдизларини юлиб чайнаганда, шунингдек, ҳаво-томчи орқали, касалланган ҳайвондан турли хил қон сўрувчилар орқали трансмиссив йўл билан ҳам юқиши мумкин. Одамларда касалликнинг яширин даври 2-3 кун, баъзан 8 кунгача давом этиб, тинка қуриши, бош оғриши, ҳароратнинг кўтарилиши, уйқусизлик, безовталаниш билан кечади. Касалликнинг тери, ичак ва ўпка каби турлари мавжуд. Хасталикка чалинган одам ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиши шарт.

Аксарият ҳолларда бемор одам терисининг очиқ жойлари (юз, бўйин, оёқ ва қўллари) зарарланади. Бунда терининг куйдирги таёқчалари юққан жойда кичик доғ пайдо бўлади, сўнгра доғ тугунчага, бир неча соатдан сўнг эса пуфакчага айланади. Қичишиш натижасида бу пуфакча ёрилади ва яра ҳосил бўлади. Бу яралар қоп-қора бўлиб, оғримайди.

Куйдиргига қарши курашишда қуйидаги чора-тадбирларга амал қилиш зарур:

– касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ветеринария ходимлари билан ҳамкорлик олиб бориш ва биринчи навбатда, касаллик қўзғатувчиларнинг манбаларини аниқлаш ва уни зарарсизлантириш;

– ёрдамчи хўжаликлардаги (қишлоқ хўжалик ва уй) ҳайвонлари орасида ветеринария назоратини ўтказиш, уларни куйдиргига қарши эмлаш;

– ҳарбий қисмга келтирилаётган гўшт ва сут маҳсулотлари ветеринария ходимлари назоратидан ўтказилганлигини текшириш ва уларни сифат сертификатисиз қабул қилмаслик;

– ҳайвонларни тўсатдан сўйиш зарурати туғилганда уларни сўйилиш сабабини ветеринарлар аниқлаши ва тезкорлик билан профилактик чоралар кўриши;

– куйдиргидан ўлган ҳайвон жасадини қишлоқдан, аҳоли яшайдиган жойдан, яйловлардан, кўча, ариқ, кўл ва сув ҳавзаларидан 500-1000 метр масофада тегишли санитария ва дезинфекция талабларига риоя қилган ҳолда махсус ажратилган жойларда – 2-2,5 метргача бўлган чуқурлик кавланиб, унга кўмиш ёки ёқиб ташлаш;

– куйдирги билан касалланган ҳайвон терисидан, жунидан тайёрланган кийимларни (телпак, пўстин, пальто ва бошқалар) махсус камерада формалин ёрдамида дезинфекция қилиш;

– гўшт комбинатларида, қушхона, жун ва тери заводларида ҳайвон маҳсулотларини ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус шароитларда сақлаш;

– ушбу касаллик аниқланган заҳоти беморни юқумли касалликлар шифохонасига жойлаштириш, касал билан мулоқотда бўлган кишиларни 8 кун давомида тиббиёт назоратига олиш ва уларга нисбатан шошилинч профилактика чораларини кўриш;

– касаллик тарқалиши хавфи бўлганда чорвачилик, гўшт комбинатлари, тери ва қоракўл заводи хизматчилари, ветеринарлар ҳамда лаборатория ходимлари унга қарши эмлаш ўтказиши керак.

Тиббий хизмат капитани Бобомурод ТЎРАЕВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлинмаси катта мутахассиси.

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ ● ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

ҚАНЧА ВАҚТ УХЛАШ КЕРАК?

Ушбу саволга аниқ жавобни замонавий фан ҳалигача аниқлай олган эмас. Ҳар хил фикрлар, тахминлар билдирилади. Аммо барча учун бирдек қўллаш мумкин бўлган қоиданинг ўзи йўққа ўхшайди. Бироқ, ана шу мавзудаги тадқиқотлар олимлар учун ҳам, бошқалар учун ҳам қизиқарли эканлиги табиий. Япониядаги Нагои университети олимларининг фикрича, уйқу инсон саломатлигини таъминлашда, узоқ умр кўришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу борада изланишлар олиб борган тадқиқотчилар Япониянинг 45 та туманидан 110 минг кишини жалб қилган ҳолда текширувлар ўтказишди. Улар олинган натижаларни қайта-қайта синчковлик билан ўрганишга киришдилар: уйқунинг касалликлар ёхуд ўлим билан боғлиқлик жиҳатлари нимада?

Шу нарса маълум бўлдики, сутка мобайнида олти соатдан етти ярим соатгача ухлайдиганлар энг соғлом кишилар экан. Ўлим ҳодисаси бу тоифадаги кишиларда жуда кам учрайди. Сурункали равишда уйқусизлик дардига йўлиққанлар жиддий хавф-хатарга учрашлари аниқ. Кимки 4-5 соатдан кам ухласа, ўз умрининг 1,6 марта қисқаришига сабабчи бўлиши мумкин. Бу маълумотлар замирида азалий қонуният борлигини инкор эта олмаймиз: тўлақонли дам ололмаган кишининг танаси дармонсизланиши табиий ҳол. Тадқиқотларнинг яна бир ҳайратомуз жиҳати бор. Бу кўпчиликнинг тўйиб-тўйиб ва кўпроқ ухлаш керак, деган фикрига тамоман зиддир. Муттасил равишда суткасига 9-10 соат ухлаш умрни 1,7-1,9 баробар камайтиришга олиб келиши мумкин экан. Уйқуни яхши кўрувчилар ўртасидаги ўлим кўрсаткичининг юқорилиги сабабларини тушунтириш осон. Шуни назардан қочирмаслик керакки, узоқ ухловчиларнинг аксарияти соғлигида жиддий муаммоси бўлган кишилардир.

Кўпчилик олимларнинг тахминига қараганда эса, уйқунинг давомийлиги унчалик ҳам муҳим эмас. Уйқунинг қаерда, қандай ҳолатда бўлиши, демакки, сифати соғлиққа, жумладан, кишининг «ички биологик соати»га таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар бир киши ўзининг наслий жиҳатдан шаклланган уйқуси ва тетиклик ритмига ҳам эга (бу ҳаммага таниш бўлган ҳолат – «сўфитўрғай» (тонгда уйғонувчи) ва «бойўғли» (кеч турувчи)нинг уйқусини эслатади). Ана шу ритмнинг бузилиши оқибатида тез-тез юрак-қон томирлари, асаб, эндокрин, умумий маънода дезинхроноз деб айтиш мумкин бўлган касалликлар келиб чиқади. Бу касалликларнинг энг мураккаб ҳолатлари билан махсус хронобиология фани шуғулланади. Шуни билиш муҳимки, дезинхроноз соғлик учун хавфли бўлиб, у организмнинг қувватини кескин тушириб юборади, сурункали касалликларга дучор этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиз учун одат тусига кирган соғлом турмуш тарзидан ҳеч қачон чекинманг, уйқудаги жойингиз ўзгармагани маъқул, шунда сиз хотиржамгина чарчоғингизни чиқарасиз. Сизнинг қанча вақт ухлашингизни эса организмингиздаги эҳтиёж ҳал қилади. Танангиздаги «мен» сизга ҳамиша уйқу бобида сигнал бериб туради. Ҳар қалай меъёрида ухлаган яхши.

С.ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?!

Берлин шаҳрида бўлиб ўтган қуёнлар кўргазмасида Вухань Руди лақабли узунқулоқ жонивор дунёда энг момиқ қуён деб тан олинди. Унинг вазни 9 килограммга яқин, бўйи эса орқа оёқларида тик турганида бир метр келади. Одатда асосан мўйнаси учун етиштириладиган қуёнларнинг вазни беш килограммдан ошмас эди. Рудининг хўжайини Вагнернинг айтишича, бунда ҳеч қандай сир йўқ. Жониворга кўпроқ салат берган, холос. Аммо салат семиртирувчи егулик ҳисобланмайди. Қизиғи қуён ҳамон семиришда давом этмоқда. Ёки гап мутациядамикан-а?

Керале қишлоқ хўжалиги университети (Ҳиндистон) генетика лабораторияси ходимлари пакана сигирлар зотини яратишди. Уларнинг бўйи 90 сантиметрдан ошмайди. Янги зот сигирлар касалликларга чидамли бўлиб, кам ем-хашак истеъмол қилади. Ҳар куни икки ярим литргача серёғ сут беради. Маълумки, ҳиндлар сигирларни муқаддас жонивор деб ҳисоблашади. Янги зотдаги сигирларни бир муҳча кўпайтиришга ҳам муваффақ бўлишди. Ҳозир уларнинг сони юз бошга яқинлашди.

Томас Бреер бошчилигидаги ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти ходимлари Конгодаги Миллий боғда гориллаларни кузатишаётган эди. Улар Лиа лақабли она горилла нариги қирғоққа ўтиш олдидан каттак ёрдамида сув ҳавзасининг чуқурлигини ўлчаб кўрганига гувоҳ бўлишди. Сувнинг ўрталарига борганида у анҳорнинг чуқурлигини кўриб, болаларининг олдига қайтиб келди. Тадқиқотчилар илгари горилла сувнинг чуқурлигини аниқлаш учун ёрдамчи воситалардан фойдаланганлигини пайқашмаган эди. Япониялик олимлар эса турли ҳудудларда яшовчи маймунлар турлича «шева»ларда мулоқот қилишларини аниқлашди. Киото университети қошидаги илмий-тадқиқот институти этнологлари турли хил макакаларнинг овозларини ўрганишди. Шунда Якушима оролида яшовчи макаканинг овози Марказий Японияда яшовчи маймуннинг товушидан баланд эканлиги маълум бўлди. Олимларнинг тахминича, оролда яшовчи жониворлар ўрмонда дарахтлар тиғиз ўсганлиги боис ўзаро баланд овозда, қичқириб «гаплашиш»га мажбур бўлишар экан.

Берлин институтларидан бирининг биологи профессор Мэтью Харрис тишларидан айрилган қушларга нисбатан бўлган эволюцион шафқатсизликни бартараф этишни мақсад қилди. Археологларнинг тасдиқлашича, бундан миллион йиллар аввал қушларнинг ҳам ҳайвонлар сингари кучли жағ тишлари бўлиб, ўлжасини тишлаб, чайнаб-чайнаб ҳазм қилган. Аммо даврлар ўтиб, қушларда тишга бўлган эҳтиёж йўқола борган. Эндиликда улар ошқозондаги емишни майдалаш учун майда тошчалар ва шиша синиқларини ютади. Институт ходимлари жўжаларнинг икки ҳафталик эмбрионларини махсус моддалар билан қориштирдилар ва маълум вақт ўтгач, бир неча тишли жўжалар етиштиришга эришдилар. Харриснинг айтишича, улар тишлари нима учун кераклигини дарров тушунишган ва егуликни бемалол чайнаб истеъмол қилишаяпти. «Агарда, – дейди Харрис, – кучли мутация таъсир қилмаса, осмонда худди динозаврлар даврида бўлганидек, жағли-тишли йиртқич қушлар пайдо бўлиши мумкин».

СКАНВОРД



ЧТО ДЛЯ ВАС СЧАСТЬЕ?

ТЕСТ

Быть счастливым хочет каждый. Этот тест для тех, кто еще находится в поисках своего счастья.

1. Красивая жизнь по телевизору для вас...
А. Как сладкий сон.
В. Просто содержание фильма или передачи.
С. Абсолютно нереальная, сказочная жизнь.

2. Согласны ли вы с утверждением, что деньги не могут принести настоящего счастья?
А. Нет, потому что без денег жить нельзя.
В. Деньги помогают жить хорошо. Однако, нужно уметь их правильно использовать.
С. В бедных странах многие люди довольны своей жизнью, потому что думают, что живут нормально.

3. Как вы относитесь к людям, которые увлекаются эзотерическими науками?
А. С некоторым предубеждением.
В. Думаю, что эти люди находятся в поиске жизненного равновесия.
С. Это бред!

4. Что вы ожидаете от партнерства?
А. Любви, которая должна принести счастье.
В. Отношений, которые не будут портить нервы.
С. Состояния защищенности и надежности.

5. Какие мысли приходят вам в голову, когда вы видите счастливых?
А. Прекрасная картина!
В. Я думаю о том, что они должны учиться быть реалистами.
С. Зависть.

6. Почему иногда вы все-таки позволяете себе купить несколько лотерейных билетиков?
А. Ради шутки.
В. Хочу посмотреть, выпадет ли мне счастливый случай.
С. От нечего делать.

ПОДСЧИТАЙТЕ КОЛИЧЕСТВО БАЛЛОВ, ПОЛЬЗУЯСЬ ТАБЛИЦЕЙ.

	1	2	3	4	5	6
A	0	3	3	6	3	3
B	3	6	0	0	6	0
C	6	0	6	3	0	6

24 БАЛЛА И БОЛЕЕ: Вы реалистичная натура. Игра воображения и фантазии – это не для вас. Вы предпочитаете твердо стоять на земле и держаться за то, что легко схватить. Вы счастливы, когда есть возможность жить разумно.

12 – 23 БАЛЛА: В вашей жизни было много разного, вы страдали и надеялись. Теперь воспринимаете личное счастье таким, какое оно есть. Однако у вас есть заветные желания, и вы хотите, чтобы они исполнились.

МЕНЕЕ 12 БАЛЛОВ: Скорее всего, вы замкнутый человек. И в глубине души не очень-то довольны миром. Втайне ждете добрую фею, которая все изменит. Но при этом вы считаете, что за счастье нужно бороться, преодолевая страхи и барьеры.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

2 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Ибн Сино ривоятлари».
9.40 ТВ-анонс.
9.45 «Олам ва одам» дастури: «Чумолилар ҳақида ҳақиқат».
«Болалар сайёраси»:
10.35 «Чининг саргузаштлари». Мультсериал.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
Впрочем, читателям нашей газеты подполковник Ч. Насриддинов хорошо знаком заочно по его публикациям на темы идеологии национальной независимости. Активная деятельность нештатного военкора отмечена на очень высоком уровне: в преддверии Дня работников печати и средств массовой информации офицер Ч.Насриддинов был в числе поощренных приказом министра обороны.

Своим богатым служебным и жизненным опытом офицер Ч.Насриддинов охотно делится с коллегами. Достойным примером является и общественная деятельность военного педагога: он возглавляет методическую комиссию на кафедре, редактирует сборник тезисов научно-практических конференций высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны. В 2004 году опубликовано его учебное пособие «Харбий психология», затем – «Харбий психология ва педагогика», в этом году издано учебное пособие под названием «Психологик операциялар». Эти книги ценны тем, что литературы по военной психологии на государственном языке издано немного, к тому же здесь использован личный опыт автора. Поэтому на его лекциях курсантам всегда интересно, они задают много вопросов, на которые получают исчерпывающие ответы.

Во время одной из встреч с Чорикули Рахматовичем он поделился своими творческими планами. Оказывается, в свободное от службы время он переводит с английского языка книгу известного военного историка Мессенджера о войнах двадцатого века.

Просматривая книгу «Харбий психология ва педагогика», изданную в серии «Куролли Кучлар кутубхонаси», отметил для себя такие моменты, как раскрытие психологии личности, воинского коллектива, методика анализа взаимоотношений в группе. Нет сомнений, что данное пособие сослужит добрую службу молодым офицерам в процессе изучения ими подчиненного личного состава, психологической подготовке к выполнению поставленных учебно-боевых задач.

Когда-то школьный психолог стал военным педагогом. Уже много лет он вносит весомый вклад в обучение офицерских кадров для армии независимого Узбекистана. Причем именно опыт работы в школе и стал тем надежным фундаментом, на котором построена эта успешная офицерская карьера.

Майор
Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

УСТОЗ

Сизсиз дунё жаҳолатдан иборат,
Маърифат нурини дилга сочгайсиз.
Мужассамдир сизда панду насиҳат,
Шогирдларга ҳаёт йўлин очгайсиз.

Қайнар доно тафаккурнинг булоғи,
Ҳар жабҳада мадад берган пандингиз.
Дилда ўчмас заковат шамчироғи,
Ҳар бир шогирд бамисли дилбандингиз.

Парвозга чоғланган оққушлар мисол,
Мактабдан учирма бўлсак-да ҳар ён.
Сизнинг орзуингиз – бизларнинг камол,
Бахтимизга омон бўлинг, эй улуғ инсон…

Салима ЁҚУБЖОН.

СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИ

Жасорат илмини бергувчи макон,
Илм истаганга бордир ҳар имкон,
Бунда қад ростлайди шерюрак посбон,
Сержантлар мактаби, сержант мактаби.

Қалбларда жўш урар мардона туйғу,
Мардликка етаклар бунда чин орзу,
Ҳар посбон кўксида мақсади эзгу,
Сержантлар мактаби, сержант мактаби.

Энг юксак касбларнинг сараси бизда,
Матонат уйғотар ҳар ўғил-қизда,
Фақат мардлар юрар биз босган изда,
Сержантлар мактаби, сержант мактаби.

Хизматга шай турар сара устозлар,
Илм уммонида шахди парвозлар.
Ватан тинчлигини жондек эъзозлар,
Сержантлар мактаби, сержант мактаби.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Эй она Ватаним, жонажон ўлкам,
Мўътабар қучоғинг қанчалар кўркам.
Белимда камару қўлимда қурол,
Тик туриб қўриқлай юртимни ҳалол.

НАҚОРАТ:
Биз озод Ватаннинг ўғлонларимиз,
Онт ичиб сўз берган посбонларимиз,
Шахду шиддатимиз тутар дунёни,
Азиз юрт ҳурлигин қалқонларимиз.

Сафдошим сўзидан кўнгилларим тўқ,
Бизнинг йигитлардек марду майдон йўқ.
Қонимда урмоқда мардлик, жасурлик,
Ҳар қандай довонга боқа олгум тик.

НАҚОРАТ.
Подполковник Шариф МАДИЕВ.

В военных училищах

ДОСТОЙНО ВСТРЕЧАЮТ ПРАЗДНИК

Среди тех, кого будут в эти дни поздравлять с Днем учителей и наставников, есть и представители Джизакского высшего военного авиационного училища – кузницы офицерских кадров для Военно-Воздушных Сил страны, вносящие весомый вклад в укрепление независимости.

Этот праздник в училище встречают с приподнятым настроением. За последний период удалось сделать очень многое для повышения профессионального уровня всех категорий военнослужащих, совершенствования учебно-воспитательного процесса.

В частности, активно применяются достижения информационных технологий. В специальном классе курсанты получили возможность проводить занятия в условиях, приближенных к обстановке реального полета воздушного судна, ведутся работы по созданию различных тренажеров для повышения практических навыков будущих авиаторов.

Хотелось бы отметить педагогов и наставников, являющихся во всем примером для сослуживцев, таких, как подполковники Ражаббой Шакиров, Мухамадали Бекмурзаев и Абдухаким Мингбаев, майор Гайрат Усаров, капитан Фарход Умаров, служащие Вооруженных Сил Инесса Ким, Бахтиер Аликулов, Анатолий Ким, которые пользуются заслуженным авторитетом в коллективе.

Нет сомнений, что и в дальнейшем наши педагоги будут плодотворно трудиться во имя укрепления оборонной мощи нашей Родины.

Подполковник
Абдурашид ШАРИПОВ.

ИЛМ ШУЪЛАСИ-ЛА ЮКСАЛГАН МИНОР

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ўқитувчилик ўта масъулиятли, шу билан бирга энг шарафли касб саналади. Бу соҳа кишилари ёшларга устоз, мураббий, демакки, тарбиячи! Тарбия қанчалар соғлом, равон, мукаммал ҳамда изчил бўлса, унинг эртага берадиган меваси ҳам шунчалик ширин, тотли ва мазали бўлади. Аксинча кечганда эса қандай оқибатлар юзага келиши мумкинлигини ўзингиз яхши биласиз. Демак, тарбия жараёнида адашмай, зукколик билан ҳақиқий устозларга хос меҳр ила ёндаша олишнинг қанчалик масъулиятли эканини, кишидан қанчалик билим ва тажриба талаб қилишини англагандирсиз? Шу боис ҳам ўқитувчи ва устозлар ҳамиша ардоқда. Сиз билан ҳам худди шундай фидойи касб соҳиби, посбонларимиз устози, ғайратли мураббий офицер Ботир Ҳусенов ҳаёт фаолияти хусусида ўртоқлашамиз.

1986 йил, ёзнинг охири. Институтни битирган ёш муаллим Бухоро вилоятининг Қоракўл шаҳридаги ҳунар-техника билим юртида ўқитувчиликдек шарафли фаолиятини бошлади. Икки акаси, келинойилари, поччаси ўқитувчилик касбининг этагини тутган бу оилада яна бир мураббий шаклланган эди. Ҳа, тўғри топдингиз, бу ҳикоямиз каҳрамони Ботирнинг сермашаққат, аммо фахр-ифтихорга тўла устозлар оламига қадам қўйган кезлари бўлади.

Йиллар оқар сувдек ўтиб бораверди. Соҳа сирларини эгаллаб, тажрибасини тобора бойитиб бораётган Ботир истиқлол сабаб янги-янги имкониятлар юз очаётганини тушунди ва бу борада ўзини синаб кўрмоқчи бўлди. Яъни у ёшликдан кўксида асраб юрган орзуси – ҳарбийликка ўтмоқчи эди.

Интилувчан, билимдон ўғлон бу борада тегишли синовлардан яхши ўтди ва взвод командирлиги вазифасига тайинланди. Ҳозирда Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий билим юртларидан бирида муҳандислик кафедраси катта ўқитувчиси бўлиб, курсантларга соҳа сирларини сабот билан ўргатаётган офицер Ботир Ҳусеновнинг ҳаёти ибратли воқеаларга лиммо-лим. Ҳақиқий ҳарбий хизматга жалб қилинганидан буён муҳандислик аслаҳалари ҳақида қўл остидагиларга билим бериб, юқори натижаларга эришди. Кўплаб устозларга муносиб издош бўлиб, ўзи ҳам бир қанча шогирдлар етиштириб чиқарди. Айни кунда Куролли Кучларимиз сафларида муваффақиятли хизматини олиб бораётган офицерлар Жасур Сатторов, Артур Грезниченко кабилар унинг ишини давом эттиришга қодир издошлар, десак, хато қилмаймиз.

Офицер Б.Ҳусеновнинг илмий изланишлар борасида тиним билмаслигини алоҳида айтиб ўтсак ўринли бўларди. Ҳар тарафлама етук мураббий билим юрти миқёсида ўтган «Энг илғор ўқитувчи» танловида биринчи ўринга сазовор топиб, ҳамон уни ҳеч кимга бермай келяпти. Илмий ишини пухта давом эттириб, «Портлашга хавфли аслаҳаларни қидириб топиш ва зарарсизлантириш тартиби» бўйича дарслик қўлланмасини тузган эди. Айни кунларда эса олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари, ҳарбий қисм ва ҳарбий кафедраларда фойдаланиш учун мўлжалланган «Муҳандислик тўсиқлари» асари босмадан чиқиш арафасида. Шунингдек, «Куролли Кучларда ишлатиладиган портловчи моддалар ва портлатувчи жиҳозлар» дарслигини тайёрламоқда.

– Мен юртимга хизмат қилишни буюк мақсад деб биламан, – дейди офицер Б.Ҳусенов. – Қайси соҳада бўлмасин, Ватан равнақи йўлида ҳисса қўшсам, ўзимни бахтиёр биламан. Менга ўргатган, қимматли маслаҳатларини аямаган устозларимга, сафдошларим ҳамда ҳамкасбларимга байрам муносабати билан самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Машаққатли илм йўлида изланиб асло толмасинлар ва албатта, билим чўққиларини забт этсинлар.

Малакали устознинг пурмаъно тилакларидан гавҳар излаб ўйга толарканман, илм билан эришилган муваффақиятни ҳам беихтиёр юксак ва пурвиқор миноралларга қиёс этдим. Минор оддий бинолардан юксаклиги билан ажралиб туради. Билимли инсон зулматни ёритган шамдек, гўё. Буни эса маърифат чироғи десак, нотўғри бўлмас.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.

ЗИЁ ТАРАТИБ

Инсон ҳаётида шундай даврлар борки, бутун умр пойдевор вазифасини ўтайди. Бу шак-шубҳасиз ўқувчилик йилларидир. Ким ҳам ўқувчилик даврини қўмсамайди, дейсиз. Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган кунларни, айниқса биринчи устозимизни барчамиз орзиқиб эслаймиз.

Устоз – улуғ зот. Инсоният камолоти учун бор билими, иқтидори ва ҳаётини бахш этган устозларнинг хизматларини ҳамма замонларда ҳам кишилар ҳурматлаб, ўзларини эъзозлаб келишган. Ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирд сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ва фалсафий маъно, шу билан бирга инсон маънавий камолотининг ҳаётий мазмуни мужассам этилган. Устозлар бисоти ҳаётимизга андоза, турмушимиз ва касбу коримизга кўрдир.

Устоз, мураббийлар ҳақида сўз айтиш илинжида қоғоз қоралар эканман, илк бор мактабга борган куним кўлимдан ушлаб, синфга олиб кирган, қалам тутқазиб ёзишни ўргатган биринчи ўқитувчим Ҳилола опа Ҳайдаровани эсга оламан.

1989 йили биринчи синфга ўқишга борганимда Ҳилола опа бошимни силаб, мулойимлик билан «қани қизим, яқинроқ келчи, энди сен ҳам шу синфда ўқийсан, яхшироқ ўқишга ва ҳаммага ўрнак бўлишга ҳаракат қил», дегани ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Устознинг эътибори, мен учун энг катта инъом ва шараф бўлганлигини ҳозиргача эслайман.

Инсон ҳамиша бахтга ташна. У ўз истиқболи сари интилиб яшайди. Бироқ шуниси қизиқки, бахт-иқбол тушунчасини ҳар ким ўзича тушунади. Ўзига хос танлаган йўли орқали етишишга интилади. Сирдарёда туғилиб, камолга етган Ҳилола опа Ҳайдарова ўз бахтини фарзандлар камоли, ўқувчи-шогирдлари эришган муваффақиятларда деб билади. Зеро, ўқитувчи учун ўз меҳнатининг самарасини кўриш, ўқувчисининг қувончига шерик бўлиш, унинг шодликка лиммо-лим нигоҳига боқишнинг ўзи кифоя. Ўқитувчилик касби инсондан фидойилик талаб қилади. Зотан, ўқитувчи меҳнати шогирди камолида бўй кўрсатади. Боланинг чинакам баркамол вояга етиши эса йиллар давомида кечадиган устознинг тинимсиз изланишларида кўринади.

Дарҳақиқат, юрт эртаси бугун мактаб партасида таълим-тарбия олаётган ўқувчи ўғил-қизлар истиқболида. Шу жиҳатдан қараганда ҳам ўқитувчи-устоз зиммасидаги масъулиятнинг неноғли улкан эканлигини англаш қийин эмас. Ўз бахтини ўғил-қизлари камолида деб билган инсон ушбу масъулиятни-да шараф билади. Шу боис ҳам гарданига юкланган вазифани теран англаган ҳолда ўқувчи, унинг ота-онаси, қолаверса, фарзандлар келажагига умидли нигоҳини тиккан Ватан ишончини оқлашга интилади. Бу йўлда Ҳилола Ҳайдарова ҳам тинимсиз изланишда бўлди. У умумий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга якунлагач, илм истаб педагогика билим юртига ҳужжатларини топширди. Талабалик йилларида ҳам бўлажак ўқитувчи имкон қадар ёшликдан меҳр қўйган касбининг барча қирраларини теран англаш пайида бўлди.

– Тўғрисини айтганда, билим юртида аъло баҳоларга ўқиш бошқа-ю, мактабга келиб сендан илм истаб умидли нигоҳини тиккан ўқувчиларга дарс ўтиш, уларга ҳарф ўргатиш бошқа-бошқа нарсалар экан, – дейди Ҳилола Ҳайдарова. – Чунки у вақтда сен талаба бўлсанг, бугун ўқитувчисан. Унинг зиммасидаги масъулият эса оғир. Буни мактабда ўқувчиларга ўтган илк дарсимдаёқ ҳис этганман. Шу боис бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи бўлиб янада кўпроқ билим эгаллашга, ўрганганларимни эса ўқувчиларимга етказишга ҳаракат қилдим.

Ёшларнинг теран билимга эга бўлишлари йўлида доимо изланишда бўлган Ҳилола опа 25 йилдан буён шу соҳада фаолият юритиб келмоқда. 25 йил… Бир қарашда кўз очиб юмгунча ўтган, аммо жиддийроқ қарасак, маъно-моҳияти, амалга оширилган ишлар кўлами билан инсон ақлини шоширадиган муддат. Бугун Ҳилола опанинг ўқитувчи сифатидаги фаолиятига қараб, меҳнатлари бесамар кетмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади, киши.

Ҳаёт бўстонининг гултожи устоз,
Шогирд деб шам каби ёнгани учун.
Шу боис уларнинг номини абад,
Шарафга буркайлик дейман куну тун.

Устозлар шундай зотки, уларга ҳамма талпинади. Вужудидан илм-маърифат ва одамийлик уфуриб турган устозларга ҳамиша кўлимиз кўксимизда, бошимиз таъзимда ва тилимиз таҳсиндадир.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Выпускницу железнодорожного колледжа Гузалию МИНГАЗОВУ всегда влекла к себе героическая профессия защитника Родины.

Поэтому можно себе представить радость этой красавицы, когда на плечах ее появились погоны рядового контрактной службы. Гузалия добилась-таки претворения своей мечты, а теперь она старается изо дня в день образцовой службой доказать всем, а в первую очередь самой себе, что доверие оказано по заслугам. Эта представительница прекрасного пола ничуть не уступит мужчинам ни в профессионализме, ни в силе любви к Родине. А в остальном она остается обычной девушкой: любит потанцевать, слушать современную музыку, выехать на природу с друзьями.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

НА ДРЕВНЕМ ПУТИ

В Шахрисабзе в рамках телепроекта «Новый Шелковый путь-2007» побывала творческая группа японской телерадиокомпании «NHK». Снят материал для очередной части телефильма, повествующего о сохранившихся исторических примечательностях древнего транснационального тракта.

– Режиссер Юити Ябе, оператор Хумикаши Йошикуни, звукооператор Масаи Атсуши в течение двух дней вели съемки известных памятников города Оксарой, Доруттилват, Дорусаодат, а затем отбыли в Самарканд для продолжения работы, – сообщил начальник государственной инспекции по защите и использованию объектов культурного наследия Шахрисабза Равшан Кодиров.

Согласно программе японская творческая группа продолжит съемки до середины октября в Андижане, Бухаре, Самарканде, Ташкенте и Шахрисабзе.

(По материалам печати).

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, истеъфодаги майор Марат Ҳакимов ижро этган қуйидаги қўшиқ шеъри Иброҳим Жиянов қаламига мансуб. Мусиқасини эса, Авазбек Маллабоев басталаган.

АЗИЗ ЮРТИМ

Ассалом, эй менинг бағри кенг халқим,
Мусаффо осмонга кўнгли тенг халқим.
Сенга бахт замони берди истиқлол,
Қуёшдай нур сочиб турар истиқбол.

НАҚОРАТ:
Бетакрор гўзалсан, эй азиз юртим,
Бошингда ҳар доим бу тинчлик бўлсин.

Қуролли қўшинлар зўр посбонларинг,
Бу асил лочинлар алп ўғлонларинг.
Эъзозлаб энг эзгу мақсадларингни,
Қўриқлаб турарлар сарҳадларингни

НАҚОРАТ:
Бетакрор гўзалсан, эй азиз юртим,
Бошингда ҳар доим бу тинчлик бўлсин.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Ер юзининг сайқали деган юксак таърифга сазовор кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳридаги олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида шу йил сентябрь ойида гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм ва муассасалар клуб бошлиқлари ҳамда кутубхона мудиралари иштирокида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари билан биргаликда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Ушбу тадбирдан иштирокчилар ўзлари учун керакли бўлган кўпгина жиҳатларни олишди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида, чекка гарнизонларида хизмат қилаётган ва ушбу тадбир сабаб учрашишган ҳамкасблар бир-бирлари билан тажриба алмашишди. Ёшлар тажрибали, кўпни кўрган хизматчилардан сабоқ олса, ўз навбатида бевосита ўзлари амалиётга қўллаётган усулларини ҳам намойиш этишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур йиғиннинг СОҲАҚМБЮда ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида дунёнинг қарийб ярмига пойтахт бўлган, бугун ҳам мислсиз обидалари-ю, юксак маданияти, бой мероси билан дунё аҳлини лол қолдираётган мана шу шаҳарда Мудофаа вазирлигига қарашли нуфузли олий ҳарбий билим юртларидан бири жойлашган. Бошқа қисм ва муассасалардан фарқли равишда бу ерда таълимнинг юқори сифатли замонавий усулларда олиб борилиши, зарур техник воситалар, ўқув анжомлари ҳамда юқори технология, компьютер каби воситалар билан таъминлангани, Мудофаа вазирлиги тизимида биринчилардан бўлиб электрон кутубхонага асос солингани турли хил тўгаракларнинг ташкил этилгани-ю, улар мунтазам фаолият кўрсатиб келаётгани, яқиндан бошлаб эса «Армия ва халқ яқдилдир» шиорининг амалий ифодаси сифатида билим юрти халқ хўжалиги ва иқтисодиётининг турли соҳаларига ҳам керакли кадрлар, яъни «Кичик мутахассислар» деб аталувчи автотракторларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа мутахассисликлардаги касб эгаларини етказиб бераётгани айниқса, эътиборлидир.

«Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади», деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, бу даргоҳда ёшлар тарбияланаяпти. Келажак таянчларимиз вояга етяпти. Шу боис ҳам билим юртини муқаддас даргоҳ, дея эътироф этишга тўла ҳақлимиз деб ўйлайман. Бизга ҳам тегишли ёрдам ва кўмагини аямаётган билим юрти жамоасига барчаларингизнинг номингиздан ташаккур билдирмоқчиман. Анжуманнинг

муваффақиятли ўтиши эса ўзимизга боғлиқ. Уни албатта, ижобий якунлаймиз деган умиддаман, – деди Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи полковник Баҳодир Тўйчиев анжуманнинг тантанали очилиш маросимида.

Шундан сўнг иштирокчилар билим юрти клубида машғулотларни бошладилар. Бунда улар турли маърузачиларнинг чиқишлари ва ўқув-услубий йўриқномалар, тегишли буйруқлар, қўлланмаларни ўрганиб боришди. Ҳарбийлар билан биргаликда давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг чиқишлари ҳам катта қизиқиш билан қарши олинди. Жумладан, Самарқанд шаҳар Маънавият ва маърифат маркази бошлиғининг «Ёшларни маънавий тарбиялашда ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришда маданий муассасаларнинг аҳамияти ва вазифаси» номли, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғининг «Ҳарбий қисмларда маданий-маърифий ишларни «Камолот» билан ҳамкорликда ташкил этиш» ва Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази офицерлари подполковник Мақсуд Абиловнинг «маданий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича асосий бошқарув ҳужжатлари» номли маърузалари, шунингдек подполковник Бахтиёр Жўраевнинг тарбиявий ва маданий ишлар тадбирларида қўлланадиган ахборот техника воситалари ва маданий ҳордиқ буюмлари билан таъминлаш ва буюртма тузиш қоидалари, уларни ҳарбий қисмларда қўллаш ҳақидаги чиқишлари йиғилганларга ғоят маъқул бўлди.

Иштирокчилар шунингдек, маданият уйларини таъмирлаш ва жиҳозлаш қоидаларига оид, кутубхоналарнинг китоб фондини бойитиш, дала шароитида, взвод ва бўлинмаларга кўчма кутубхоналарни ташкил этиш, ҳарбий қисм ва муассасаларда маданий-маърифий тадбирларни уюштириш бўйича ўзаро фикрлар алмашдилар, керакли техника ва технология воситаларидан фойдаланиш каби ва бошқа иш юритиш қоидаларига оид маълумотлар билан ҳам ўртоқлашдилар. Маданий-маърифий тадбир барчада илиқ таассурот қолдирди. Анжуман давомида билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Шуҳрат Юсупов қатнашувчилар учун Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларига саёҳат уюштиришда ўз ҳиссасини қўшди. Тадбир давомида энг илғор деб топилган бир гуруҳ қатнашувчилари Мудофаа вазирлигининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Ўйлаймизки, бундай тадбирларнинг тез-тез уюштирилиши албатта, ўз ижобий самарасини беради, деб таъкидлаб ўтди билим юрти бошлиғи полковник Дониш Мамажонов.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.

СОҲИЛДАГИ УЙ

(ҳикоя)

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Соҳилдаги бу мўъжазгина уй икки ёлғиз юрак оҳларига тўла эди. Оқмарал ҳам энди Фариданинг эмас, балки ўзининг севгиси ҳақида ўйлар, мана, икки йилдирки, пул топиш илинжида хорижда юрган йигити Тошмирза йўлига интизор эди. Тошмирза ҳам номига яраша Тошмирза эди, бир энлик хат ёзмасди. Оқмарал эса унинг тош кўнгли юмшашини сабр-тоқат ила кутарди.

Тун яримдан оққанда Оқмарал чолга «яхши тушлар кўринг» дея кетишга чоғланди.

Мудраб ўтирган Худойберган бобо уни яна узундан-узоқ дуо қилди. Сўнгра ёстиғи остини ковлаб, бир даста пул олди. Пулларни санамай қизга узатди.

– Ма, қизим, шунга магазиндан янги кўйлак сотиб ол… – чолнинг яна овози титради…

Оқмарал унинг қўлини қайтарди.

– Қўйсангизчи, Худойберган бобо, менинг яп-янги кўйлагим бор. Тошмирза яқинда пул юборганди, магазиндан сотиб олдим. Келинлар киядиган оқ харир кўйлак, билдингизми! – оқ кўнгил қиз ёлғон гапирарди.

Чол сўзида туриб олди.

– Қўлимни қайтарма, жон қизим, мен энди бунча пулни нима қиламан? Йўқ дема…

Оқмарал ноқулай аҳволда қолди. У чолни хафа қилмаслик учун янги кўйлакка етадиган миқдорда пулни санаб олдию, қолганини қайтарди.

Қиз кетди. Чол хотиржам бўлиб уйқуга ётди.

●

Оқмарал эртасига чошгоҳда уйдаги ишларини саранжом қилгач, магазиндан кўйлак сотиб олди., чолни хурсанд қилишга ошиқди.

Кирмизи кўйлак жуда чиройли эди, қизнинг ҳусну жамолини янада очиб юборди.

Қиз ўзида йўқ шод, енгил қадамлар билан чолнинг остонасидан хатлади.

– Мана, Худойберган бобо, янги кўйлакни кўриб қўйинг!

Ҳар доим қизни хандон-хушон қарши оладиган чолдан садо чиқмади.

Оқмарал ҳайрон бўлиб, тўшакда ётган чолнинг юзига тикилди. Тикилди-ю, қўрқувдан чинқириб юборди.

Худойберган бобонинг жони узилган, унинг ярим юмуқ кўзлари, лабларида ним табассум қотиб қолган эди.

●

Худойберган бобонинг йигирмаси ўтгандан сўнг, унинг қизи Гугуртлига келди.

Юз-кўзига упа-элик чапланган, жуда башанг кийинган бу жувон отасидан айрилган одамга сира ўхшамасди. У қўни-қўшнилар билан салом-аликни ҳам насия қилиб, Оқмарални қидириб топди-да, ҳе йўқ, бе йўқ зуғум қила кетди.

– Эшитишимча, чолга (қаранг, қиз отамга демади) сен қараб турган эмишсан. Ёстиқлари остидан топилган пул жуда кам. У киши ахир, 50 минг сўм пенсия олардилар. Хўш, гапир, пулни ўмарганингни ўзинг тан оласанми, ёки милиция чақирайми?

Оқмарал… Шўрлик Оқмарал! Бу қандай бедодлик?!

Қизнинг тили калимага келмас, уни худди биров бўғаётгандай эди.

– Мен… Мен пулни олганим йўқ… У киши ўзлари менга бир кўйлак…

– Ҳа, ана, ўзим ҳам билган эдим! Сен етимча, чолни алдаб, пулини олишга уялмадингми?

Оқмарал гапиролмай йиғлаб юборди.

Оқпадар қизнинг дат-дағаларига қўшнилар чидаб туришолмади, Оқмаралнинг ёнини олишди. Охир-оқибат бу можаро яхшиликка олиб келмаслигига кўзи етган қиз ўша куниёқ изига қайтди.

●

Оқшом чўкаётир… Соҳилдаги уйларда бирин-кетин чироқлар порлайди. Тик қирғоқдаги ёлғиз уй деразаларида эса нур кўринмайди… Бу уйнинг чироғи энди ёнмайди, Оқмарал энди бу ерга келмайди…

Қирғоқда ёлғиз турган қиз тўқай шовуллаши, сув шалоплашига қулоқ тутади. Олис-олисларда якам-дуккам чироқлар милтирайди. Қиз юрагини беҳад ўртаган соғинч билан чироқларнинг жимир-жимир шуъласига тикилади. Баҳор сувлари узоқ-узоқларга оқиб кетадилар…

Жўра ФОЗИЛ.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Урф-одат, маросим ва анъаналар – бу ҳаётимиз мазмуни, шукуҳи, руҳи ва гўзаллигидир. Улардаги маъно ва мазмун беқиёс, замирида ҳаётнинг теран ҳақиқати мужассам бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Халқимизнинг урф-одатларига кўра биргина «Бешик тўйи» удумида қуда-қудағайларни кутиб олиш, дастурхонга миллий таомлар тортиш, момо ва аммаларнинг фотиҳа ўқишлари, исириқ тутатиш каби маросимлар бажарилади. Янги туғилган чақалоқ бешикка ётқизилади. Бешик тебраниб бола янги муҳитга кўника олмай йиғлайди, алла айтиш мавриди келади. Қариндош-уруғлари олдида алла айтишга уялаётган келинини ҳижолатдан қутқариб қайнона хиргойи қила бошлайди:

Ишонмасдан еру кўкка оғушимда аллалай,
Юзларимга тиниқ кўзгу кўзларингдан айланай.
Алла болам, аллаё, қўзичоғим аллаё.

Бундай сермазмун ва пурмаъно «Алла» қўшиғининг айтилиши қадим-қадимдан момолардан мерос. Қўшиқдан куйлаётган онанинг ички кечинмалари, изтироблари, ҳистуйғу ва орзу-ўйлари мужассам. Уни тинглаб бешикдаги бола илк бор Ватан туйғусини ҳис этиб улғаяди ва камол топади.

Яқинда Фарғонада бўлиб ўтган «Алла» республика кўрик-танловида Галлаорол тумани «Бахт» маҳалласига қарашли «Маржон» фольклор жамоаси ҳам иштирок этишга муяссар бўлди. Жамоа аъзолари ўз ҳудудига хос бўлган анъана, маросим ва урф-одатларни намойиш этишаркан, театрлаштирилган саҳна кўринишларида қадимий халқ қўшиқларидан алла ва лапарлар айтишди, халқ рақсларидан намуналар ижро этишди. Турли касб эгаларидан Дилором Мамасолиева, Норбуви Иброҳимова, Дилором Аҳмедова ва Қумри Сатанговаларнинг ҳар бир чиқишлари томошабинларга манзур бўлди. Саҳна жиҳози учун сўзана ва кашталар, кўрпа-кўрпачалар, сарпо ва сандиқлар қўйилди.

Кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати «Маржон» фольклор жамоасини ҳам ҳудудга хос анъана, маросимлар ва урф-одатлар асосида театрлаштирилган саҳна кўриниши, ундаги миллий либос ва маиший уй-рўзғор буюмлари ҳамда қадимий халқ қўшиқлари ижросини баҳоларкан, мамнуният билан алоҳида эътироф этишди.

– Кўрик-танловнинг ўтказилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди, – дейди «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зебо Умрзоқова. – Мамлакатимизда улғайиб, камол топаётган фарзандларимиз ўз халқининг ўтмишига ихлос ва эътиқод билан қарашлари лозим.

Йиллар ўтиши билан ҳаётда ҳамма нарса ўзгаради. Янги-янги маданий-маиший қурилиш иншоотлари, билим даргоҳлари, зиё масканлари, кенг ва равон йўллар барпо этилади. Лекин халқнинг, миллатнинг урф-одатлари ва анъаналари боқий бўлиб қолаверади.

Суратда: «Маржон» фольклор жамоаси ижрочилари ўз репертуарларини намойиш этишмоқда.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти.

Кўнгилга ташриф

УСТОЗЛАРИМ – УЛУҒЛАРИМ МЕНИНГ

Ҳамюртимиз, ёш ва умидли хонанда Нодира Пирматова 2005 йилда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида «Айлагай» ва «Оё» қўшиқларини маромига етказиб ижро этиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ана шундай муҳташам саройда, катта саҳнада юзлаб томошабинлар ҳузурида маҳорат билан санъатини намойиш этиш ундан жуда катта куч талаб қиларди. Нодира устозлари ишончини оқлади, ўзбек мумтоз қўшиқчилиги сеҳрини хорижликлар юрагига ҳам жо айлашга муваффақ бўлди.

– Нодира, нуфузли фестивалнинг ҳаяжони бошқача бўлади, сизни телеэкран орқали томоша қилган ҳамюртларингиз истеъдодингизга қойил қолишди. Муваффақиятингиз оммавий ахборот воситаларида эътироф этилди. Ўнланда кўнглингиздан нималар кечганди?

– Тўғриси, ўша ҳаяжон мени ҳамон изланишга, олға интилишга ундайди. Мен минглаб нигоҳлардан, ўзимга билдирилган ишончни оқлаш масъулиятидан қаттиқ ҳаяжонга тушгандим. Ичимдан отилиб келаётган ҳаяжонни босиб, юракдан куйладим. Ижодимни юксак баҳолашди, бу баҳо мени ўз устимда янада қаттиқроқ ишлашга ундайди, албатта. Бир нарсани аниқ биламан, қаердаки интилиш, астойдил ҳаракат бўлса, юксалиш бўлади. Аввало фестивалда ижро этилган мумтоз наволар дунёнинг бошқа жойларига етиб боради. Бу кўҳна Самарқанд, маданий тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Санъатга кириб келишингизга ким ва нималар сабаб бўлган?

Санъаткор бўлишимда отам Йигитали Пирматовнинг ҳиссалари катта. Саккизинчи синфни битирганимдан сўнг Хўжанд вилоятининг Содиржон ҳофиз номидаги мусиқа билим юртининг анъанавий қўшиқчилик бўлимига ўқишга кирдим. Кейинчалик ўзим учун маълум ижодий муҳит яратиб, санъатнинг серзаҳмат пиллапояларидан отамнинг маънавий кўмаги остида дадил чиқа бошладим. Сўнгра мусиқий таҳсилни 1995 йил М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида давом эттириб, мумтоз қўшиқчилигимиз сир-асрорларини баҳоли қудрат эгалладим. 2001 йилда А. Қодирий номидаги Тошкент маданият институтида магистратурани тугатиб, айни пайтда мазкур таълим даргоҳида талабаларга «Халқ ашула ва рақс» йўналишидан сабоқ беряпман.

– Бугун азиз устозларимизнинг касб байрамларини нишонлаш арафасида турибмиз. Инсон борки, ҳаётнинг ҳар жабҳасида ўз устозига эга. Бу ҳаёт фалсафасини инкор этиб бўлмайди. Сизнинг устозларингиз кимлар?

– Уларни унутиб бўларканми? Мен ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, устозларим орқали эришдим. Устозларим – улуғларим менинг, ҳамон уларнинг пурҳикмат ўгитларига қулоқ тутаман, маслаҳатларини ёдга оламан. Тилагим шуки, ҳамма соҳада ҳам устозларимизни қадрлашга ўрганайлик. Улар бизни доим эзгуликка чорлашади. Уларнинг байрами барчамизнинг байрамимиз. Ва яна шуниси аёнки, бизнинг ютуқларимиз уларнинг кўксини тоғдек кўтаради. Менинг устозларим кўп. Оилада отам, кейин халқ ҳофизлари – Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Саодат Қобулова, Рифатилла Қосимов, Матназар Худойназаров, Оролмирзо Сафаровларнинг менга кўрсатган ғамхўрликлари, меҳнатлари олдида қарздорман. Уларнинг чуқур сабоқлари менда меҳр-муҳаббат, ҳурмат уйғотган. Уларнинг барчасига таъзимдаман. Улар нафақат таълим-тарбия жонкуярлари, балки ҳақиқий инсоний фазилатларга эга, камтарин сиймолардир.

– Ўзбек санъатини қайси давлатларда намойиш этишга улгурдингиз?

– Ҳозирча Голландия, Бельгия, Италия, Туркия ва бошқа давлатларда мумтоз қўшиқчилик бўйича ўтказилган халқаро санъат анжуманларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келдим. Олдинда янада улкан танловларда иштирок этиш мақсадим бор. Қаерда, қайси юртда бўлмайин, мен қалбан она Ўзбекистонимизнинг жаннатмакон гўшалигини ҳис этаман. Уни ҳар сония соғинаман, унга талпинаман. Ватан шаъни учун курашаман.

– Бўш вақтларингизда кўпроқ нималар билан шуғулланасиз?

– Вақт топилди дегунча шеър ўқишни, бадиий мукаммал асарларни мутолаа қилишни, турфа рангдаги мафтункор гулларни ўстириб, парваришлашни ва албатта, табиат манзараларини томоша қилишни яхши кўраман.

– Инсонлардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?

– Камтарлик – энг олий фазилат. У кишини чор-атрофига теранроқ, ақлу идрок билан қарашга ундайди. Меҳнатсевар кишиларни қадрлайман, улар ҳалолликка интиладилар. Танбалларни хушламайман. Меҳнат билан юксалган инсонларнинг топгани ҳалол, юзлари ёруғ, номлари улуғ бўлишига ишонаман.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

Инсон қўшиқ тингласа, юраги тубидаги туйғулари уйғониб, ажиб ҳиссиётларни бошидан кечиради. Чунки мусиқада кишини ўзига тортадиган жозиба қудрати бор. Куйсиз, қўшиқсиз юракларни сел қилиш мумкинми? Ҳатто бешикдаги бола ҳам алла садолари остида мириқиб ором олади. Онасининг майин овозини тинглаб, мунчоқ кўзлари уйқуга кетади. Аллани куйга солиб айтаётган онанинг ҳар битта сўзи кўксидан булоқдай сизиб чиқади. Бу булоқнинг туби йўқ, унинг туби меҳру муҳаббат билан йўғрилган.

Агар эътибор берсангиз, мумтоз қўшиқларимизда ҳам аллага монанд сеҳрли оҳанг мавжуд. Уни тинглаб руҳиятингиз ором олади, кўнглингиз ҳаловат топади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон, мамлакатимизнинг қадим шаҳри, маданий ва маърифий ўчоғига айланган азим Самарқандда халқаро аҳамиятга молик бўлган «Шарқ тароналари» анъанавий фестивали ўтказилиб келинмоқда. Фестивалнинг ижобий томонларидан бири шундаки, турли миллат ва халқларнинг мумтоз санъати, халқона куй-қўшиқлари билан танишасиз.

Театральный сезон

ВО ИМЯ ЛЮБВИ

Почти с момента открытия сезона в Большом театре уже гастроли! На этот раз Узбекистан посетили артисты российского балета – знаменитая народная артистка, лауреат Государственной премии Людмила Семеняка, народный артист Татарстана Айдар Ахмедов и солистка Большого театра Москвы Лола Кочеткова. Они представили нашему зрителю «Жизель» А.Адана – вершину романтического балета XIX века, одно из популярнейших произведений мирового репертуара.

Либретто создано на основе старинной легенды о мстительных девушках, погибших до свадьбы. В полночь они оживают и танцуют при свете луны, заманивая путников и заставляя их плясать, пока те не упадут замертво. Но это лишь сюжет, в то время как по сути это балет о предательстве и такой любви, когда не простить невозможно. Два акта диаметрально противоположны: первый – буйство красок, праздник юности и счастья, второй – полумрак, трагедия самоотверженной любви доброй крестьянской девушки Жизели.

Как призналась исполнительница главной роли Лола Кочеткова, она очень трепетно готовилась к данному спектаклю, буквально «погружаясь» в жизнь своей героини. Для Лолы было очень важно соединить две части постановки так, чтобы Жизель явилась публике цельным образом. Особенно это касалось второго акта. Опыт Кочетковой передавала ее наставница – великолепная исполнительница классических балетов, ученица самой Галины Улановой и обладательница премии Анны Павловой Людмила Семеняка. В постановке ей отведена небольшая роль Батильды, которая тем не менее дорога балерине: «У артиста не бывает маленьких ролей». Семеняка уже закончила свою карьеру на сцене и сейчас занимается преподаванием в Большом театре. Говоря о своей воспитаннице, она отметила: «Лола не просто прекрасно танцует, она еще и отличная актриса. В ней есть истинная чистота, доверчивость, открытость миру, так необходимые в этой роли. Она неординарная артистка, способная показать публике и традиции нашего театра, и собственное мастерство исполнения психологического балета». Немало теплых слов было сказано и о большом друге ГАБТа имени А.Навои Айдаре Ахмедове, который всегда выступает на высоте.

В день представления зрители могли воочию убедиться в справедливости высокой оценки гостей из России. Удивительной красоты музыка и декорации удачно оттеняли то медленные, то стремительные движения артистов. Лола Кочеткова вполне вписалась в образ Жизели. Морально и буквально поддерживал ее Айдар Ахмедов, безукоризненно отыгравший весь балет. Бурными аплодисментами встретила публика появление на сцене Людмилы Семеняки. Слаженная работа всех героев превратила вечер в торжество танца – яркого и живого.

Рамиль ИСЛАМОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

МК «Ватанпарвар» ташкилотида

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БИЛАН УЧРАШУВ

Аввал хабар берганимиздек, мустақиллигимизнинг ўн беш йиллик тантаналари ўтказилган кунларида Россиянинг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ёзги биатлон бўйича XI жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Носиров мусобақанинг олтин медалини қўлга киритганди. Терма жамоамиз эса кучли давлатлар орасида фахрли 3-ўринни эгаллади. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида республикамиз оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Журналистлар билан бўлиб ўтган қизиқарли учрашувда жаҳон чемпиони Руслан Носиров устози Сергей Серебряков билан бирга ҳаяжонли воқеалар тафсилотларини айтиб беришди.

Ташкилот раиси полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров анжуманни очар экан, чемпионни навбатдаги ғалабаси билан табриклаб, унга янги муваффақиятлар тилади.

–Ўқув спорт техника клублари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда спорт тўгараклари ва секциялар ишини ривожлантиришга қаратилган комплекс тадбирларимиз давом этмоқда, – дейди ташкилот раиси ўринбосари Шариф Мўминжонов. – Умид қиламизки, спортчиларимиз 2007 йилги халқаро мусобақаларда бу йилгидан ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз спорт шарафини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланган қутлуғ йилда истиқлол фарзанди бўлмиш «Ватанпарвар» ташкилоти ҳам 15 ёшга тўлди. Барча соҳалардаги каби спорт жонкуярлари томонидан ушбу саналарга бағишлаб муносиб тўёна тайёрлаш борасида астойдил фаолият олиб борилди ва халқаро мусобақаларда ҳар қачонгидан-да кўтаринки руҳда иштирок этган терма жамоаларимиз спортчилари ўз олдиларига қўйган мақсадга эришишди. Ҳар қандай ғалаба катта меҳнат, тинимсиз машқлар орқалигина қўлга киритилиши шубҳасиз. Шу ўринда спортчилар билан бирга заҳмат чеккан мураббийлар ҳамда халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун барча шарт-шароитларни яратган спорт фидойиларининг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Президентимизнинг Фармонига биноан «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг беш нафар ходимлари – Р.Мамедова, М.Ҳамиджонов, И.Худоёров, Т.Ёқубов ва Н.Таранлар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига ўн беш йил» кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Ундан олдинги Жаҳон чемпионатида кумуш медаль билан кифояланган ҳамюртимиз бу йил устози С.Серебряков билан энг юқори халқаро стандартларга мос Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида пухта тайёргарлик кўриб чиққанди. Натижа эса ижобий бўлди: ёзги биатлон спорт тури яхши ривожланган дунёнинг кучли давлатларидан ташриф буюрган 28 та спортчи қатнашган ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Руслан 4 километрлик масофага югуриш ва 2та ўт очиш чизиғида мерганлик кўрсатиш каби мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, ғалабани қўлга киритди.

– Бу ғалабага эришиш осон кечгани йўқ, – дейди Руслан, – рақибларим жуда кучли эди. Аммо кишида қатъият бўлса, ўз олдига қўйган мақсадига албатта эришаркан. Устозларимнинг сабоқлари, кўрсатмалари асосида ҳаракат қилдим ва зафар қучдим. Келгуси мусобақаларда ҳам юқори марраларни кўзлаб, мустақил юртимиз довруғини дунёга ёйишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Ўн уч ёшидан бошлаб спорт билан шуғуллана бошлаган Руслан Самарқанд шаҳар «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ёзги биатлон секциясида ўз маҳоратини ошириб бормоқда. У ҳозирда Самарқанд давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил оляпти.

– Руслан терма жамоамизга 2002 йилда қабул қилинганди, – дейди спортчининг устози Сергей Серебряков. – Халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, қисқа вақт ичида яхши натижаларга эришди. Умуман олганда, ёш спортчимиздан умидимиз катта. Унинг улкан ғалабалари ҳали олдинда.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Самбо. Чемпионат мира

ВПЕРВЫЕ В ТАШКЕНТЕ

Сегодня в столичном спорткомплексе «Жар» стартует чемпионат мира по боевому самбо и чемпионат мира среди мастеров борьбы самбо. Сильнейшие борцы из более чем 20 стран съехались на эти соревнования.

Нашу национальную сборную по боевому самбо представляют Отабек Олимов, Кодыр Султонов, Камолиддин Закиров, Олижон Рахимов, Суннат Ильясов, Фаррух Жумаев, Элдор Гулямов, Турсунмурод Нурматов и Самад Рустамов. Тренер Фахриддин Пулатов.

Под руководством старшего тренера сборной Равшана Ахмеджанова будут выступать мастера ковра Шухрат Ходжаев, Талгат Яппаров, Баходыр, Жахонгир и Дониер Пирназаровы, Нурмухаммад Юсупов, Игорь Ким, Фаткулло Азимов, Урал Жуманиязов, Равшан Гулямов.

Отрадно, что среди мастеров борьбы самбо в весовой категории до 62 кг в чемпионате примет участие и корреспондент нашей газеты майор Хайритдин Зайнилов.

Соб. инф.

Бокс. Чемпионат мира среди военнослужащих

НА ПЬЕДЕСТАЛЕ – УЗБЕКИСТАНЦЫ

Как уже сообщалось, сборная Узбекистана заняла второе командное место на чемпионате мира среди военнослужащих, прошедшем в германском городе Варендорфе. В личном зачете у наших мастеров перчатки шесть медалей различного достоинства. В копилке спортсменов по две золотые, серебряные и бронзовые награды.

В ташкентском аэропорту боксеров встречали как триумфаторов. Чествование отличившихся спортсменов, достойно защитивших честь независимого Узбекистана, стало доброй традицией.

Старший лейтенант Дильшод Махмудов отстоял свой титул победителя предыдущего чемпионата мира в весе до 64 кг, одержав красивые победы над боксерами из ЮАР, Индии, России и Германии. Кавалер медали «Шухрат» посвятил эту свою победу 15-летию независимости и приближающемуся 15-летию Вооруженных Сил нашей Родины.

Победный почин товарища по команде поддержал Эльшод Расулов, в финале в весе до 75 кг не оставивший шансов хозяину ринга. Еще двое наших боксеров, младший сержант Шерзод Хусанов (67 кг) и Жасур Матчанов (91 кг), лишь в финальных поединках уступили соперникам, завоевав серебряные медали. У рядового по контракту Бекзода Хидирова (57 кг) и Шерзода Абдурахманова (81 кг) в активе бронзовые награды. В командном зачете тройка сильнейших в мире выглядит таким образом – Россия, Узбекистан, Германия.

– Чемпионат выдался очень сильным, – делится впечатлениями глава делегации подполковник Рауф Хамидов. – В составе сборной России собрались недавние победители Олимпиады в Афинах, мировых чемпионатов.

Нашим боксерам на ринге Варендорфа пришлось очень трудно, ведь против них, как одних из фаворитов турнира, каждый соперник настраивался по-особому, да и судьи порой были пристрастны в оценках.

Однако великолепный бокс в исполнении бойцов из Узбекистана никого не оставил равнодушным. Таким образом, уже который раз наши армейцы уверенно подтвердили свой высокий класс, вновь заняв высокое место в мировой «табели о рангах». Верится, этот победный настрой поможет им выступить так же успешно и на Азиатских играх в Катаре.

Майор Байтак АЛИЕВ. Фото **Тимура КАРИМОВА.**

Таэквондо

АРМИЯЧИ ҚИЗЛАР ҒАЛАБАСИ

Яқинда таэквондо бўйича Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ҳарбий спортчилар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 32 та давлатидан келган 500 дан зиёд таэквондочилар иштирок этишди. Мазкур нуфузли мусобақада ўзбекистонлик ҳарбий спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Марказий ҳарбий спорт клубининг аъзоси иккинчи дан қора белбоғ соҳибаси Галина Хан қизлар ўртасида кечган баҳсларда барча рақибларидан устун эканлигини намоён қилиб, чемпионат олтин медалини қўлга киритди.

Қизларимиздан халқаро тоифадаги спорт устаси Наталья Микрюкова кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, Ирина Дергач ва Ирина Кайдашовалар мусобақада 4- ва 5-ўринларни эгаллашди.

Йигитлар ўртасида кечган баҳсларда спортчиларимиздан бу сафар омад юз ўгирди. Уларнинг рақиблари Корея, Хитой давлатларининг маҳоратли таэквондочилари бўлишди. Шунга қарамай, ҳамюртларимиз яхши натижа кўрсатиб, чемпионат совриндорлари бўлишди.

– Кореяда бизни жуда яхши кутиб олишди, – дейди ҳарбий спортчилар жамоасининг мураббийси Герасим Пак. – Натижалар ёмон бўлмади. Ҳали анча ёш бўлган жамоамиз учун чемпионатдаги натижалар катта ютуқдир.

Жаҳон чемпионатининг якуний натижасига кўра, спортчиларимиз қизлар ўртасида Хитой ва Корея давлатларидан сўнг фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Энди ҳарбий таэквондочиларимиз Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида яқинда ўтказиладиган Осиё ўйинлари мусобақасига тайёргарлик кўришади. Навбатдаги мусобақаларда спортчиларимиздан бундан-да юқори натижаларни кутиб қоламиз.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. САФАРОВ, А. КАМАЛОВ,
Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2857. **Адади** 24300.